



III

С. ҚҰЛДОШЕВА



ЎЗБЕКИСТОН  
ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ  
ТАРИХИ  
МАСАЛАЛАРИГА ДОИР



41

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MADANIYAT ISHLARI  
VAZIRLIGI

ISTIQBOLNI BELGILASH, USLUBIYAT VA AXBOROT  
RESPUBLIKA MARKAZI

SARVINUZ QULDOSEVA

ЎЗБЕКИСТОН QUSHIQCHILIK SAN'ATI

TARIXI MASALASIGA DOIPI



Toшкент - 2002

Масъул муҳаррир - **А.Маврулов**, тарих фанлари доктори,  
профессор

Тақризчилар - **С.Қобулова**, Халқ артисти, профессор  
**Р.Неъматов**, профессор

## К И Р И Ш

Ўзбекистоннинг миллий истиқдолга эришиши жамият ҳаётида мавжуд бўлган, шўролар мустабид даврида шаклланган ва тобора зиддиятли тус олган қатор муаммоларни ҳал этиш учун жуда катта замин яратди. Мустақиллик туфайли ўзбек халқи энг аввало ўзликни англаш жараёнига кирди, миллий-маданий, миллий-тарихий қадриятларни тиклаш имконига эга бўлди.

Буларнинг бариси истиқлол йўлларида ўзбек халқи ижтимоий ҳаётида ижобий ўзгаришларни юзага келтирди, жамиятнинг маънавий покланиши юз берди, мамлакат аҳолисида ижтимоий-сиёсий воқеаларга дахлдорлик туйғуси юзага келди, миллий ўзлик, миллий онг, миллий тафаккур ва миллий мафкура тикланиб, улар шакллана бошлади. Ушбу жараёнлар силсиласида маънавият алоҳида ўрин эгалламоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маънавиятни, авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонни уйғотадиган кучга қиёслайди.

“Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, - дейди И.Каримов, - бизнинг, айтилик, 1991 йилдаги маънавий савиямиз билан халқимизнинг ҳозирги руҳий ҳолати ўртасидаги фарқни қиёслаб кўриш кифоя деб ўйлайман. Албатта, маънавиятнинг тош-тарозиси, ўлчовини топиш қийин. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда шундай. Лекин амалий нуқтаи назардан ёндошганда, ҳаётдаги, жамият онгидаги ўзгаришларга нисбатан баҳо берганда, унинг муайян мезонларини ифода этиш мумкин. Масалан, мустақиллик маънавиятини, унинг бутунги даражасини кўпчилигимизнинг кўнглимиздан ўтадиган “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган савол билан белгилаш мумкин эмасми? . . . модомики, биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти кураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро - онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат шундай. Ҳозиргача бизнинг маънавият борасидаги ишларимизда асосий эътиборни жамият аъзолари тафаккуридаги эскича қарашлар, маъмурий-буйруқбозлик тизими сарқитларини йўқотишга, улар қалбига миллий мустақиллик ғояларини сингдиришга қаратдик. Мазкур масала борасида йирик ютуқларга ҳам эришдик. Аммо, таъкидлаш лозимки, бу борадаги ютуқларимиз, ижобий силжишларимиз эркин,

<sup>1</sup> Каримов И. Ўз кслажгимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз.-Тошкент, 1999.-17-18-бетлар.

демократик жамият куриш йўлидаги илк қадамлардир, зеро биз кўп йиллар мобайнида шаклан озод, мохиятан эса қуллик ҳолатида яшаб келган эдик. Бирок, узоқ давом этган бу зулмнинг асоратлари ҳали-ҳануз тўла барҳам топгани йўқ. Айниқса бу иллат бизнинг тафаккуримизда чуқур ўрнашган бўлиб, бундан фориғ бўлиш осон кечмаяпти.

Истиклол йилларида маънавий-мафкуравий соҳада эришган ютуқларимиз жуда салмоқли бўлди. Маънавий ривожланишимиз жамият аъзолари томонидан ҳамжихатликда амалга оширилган умуммиллий сиёсатнинг натижасидир.

Маълумки, маънавият, умуман маданий жараёнлар инсоннинг онгли фаолиятида мавжуд бўлган ижтимоий ҳодисадир. Маънавият жамиятнинг ҳамда унда яшаётган кишиларнинг мавжудлиги ва мавжудликнинг савиясини белгилаб берувчи мезондир. Унинг кўринишлари киши онгида, ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзининг барча жабҳаларида намоён бўлади. Ана шундай таъсирчан кўринишлардан бири эса кўшиқчилик санъатидир.

Маълумки, рус мустамлакачилиги ҳамда шўролар мустабид маъмурий-буйрукбозлик тизими даврида ўзбек миллий кўшиқчилик санъати жуда катта зарар кўрди, унинг миллийлик хусусиятлари атайлаб топталди. Мустақиллик эса ўзбек миллий кўшиқчилик санъати ривожига кенг йўл ва имкониятлар берди.

Биргина 1992 йилда Республика Маданият ишлари вазирлиги, халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар Республика маркази мусиқа санъати соҳалари бўйича бир қанча кўрик-танловлар ўтказди. Чунончи, шу йили март ойида Тошкент шаҳрида танбур, сато, кўшна, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочиларининг “Асрларга тенгдош наволар” деб номланган кўрик-танлов, апрелда ҳаваскор кўғирчоқ театрлари жамоаларининг кўрик-танлови, шунингдек машҳур санъаткорлар Жўраҳон Султонов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Содиқов, Жапақ Шомуратовлар асарлари ижрочиларининг “Боқий овозлар” кўрик-танловлари ўтказилди.

Айни пайтда май ойида Хоразм вилоятида фольклор жамоаларининг, аския, қизикчи ва масҳарабозларнинг, июн ойида Қўқон шаҳрида ўтказилган IX анъанавий лапар, ялла ижрочиларининг ва бошқа шу каби кўрик-танловлар миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса бўлиб кўшилди. Шу билан бирга бир неча ўнлаб истеъодларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек халқ чолғулари ва баян созанда-ижрочиларининг навбатдаги Республика кўрик-танлови илгаригиларидан фарқли ўлароқ, 3 босқичда ўтказилди. Учинчи босқичда танлов ғолиблари “Баҳор” концерт залида Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон давлат

академик халқ чолғу оркестри ҳамда Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиштириш давлат компанияси қошидаги Дони Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғу оркестри жўрлигида махсус танлов дастурини ижро этдилар. Танловда барча вилоятлардан 46 нафар ижрочилар иштирок этишди.

Ана шундай йирик тадбирлардан яна бири 1992 йил 2 март куни бўлиб ўтди. Шу куни Тошкент шаҳрида Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида халқ артисти, Давлат мукофотининг соҳиби, машҳур раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоеванинг 80 йиллиги ва мустақил Ўзбекистоннинг анъанавий “Наврўз” умумхалқ байрами олдидан “Чаман” болалар фольклор-этнографик рақс ансамблининг ҳисобот концерти ва рақслар байрами ўтказилди. Унда ўзбек, тожик, афғон халқларининг қатор мафтункор рақслари, куй ва фольклор кўшиқлари ижро этилди.

1993 йил 14 апрелда эса Республика Маданият ишлари вазирлиги Халқлар дўстлиги саройида вазирлик тасарруфидаги санъат ва маданият олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талаба-ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари иштирокида “Истиклол жилolari” йиғма концертини уюштирди. Концерт дастурида халқ куй ва кўшиқлари, дилрабо рақслар, ўзбек ва хорижий мамлакатлар бастакорларининг асарлари ва бадий кўргазмалар намойиш этилди.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик даври ўзбек миллий мусиқа санъатининг тараққиёти учун жуда сермазмун бўлди. Бир қатор бастакорлар, жумладан М.Бафоев, А.Икромов, А.Назаровлар ижодининг янги даври бошланди. Ўзбекистон санъат арбоби М.Бафоев ўзбек миллий мусиқаси тарихида услуб жиҳатдан ҳам, ғоявий жиҳатдан ҳам бутунлай янги бўлган “Ҳажнома” асарини яратиб, улкан ижодий муваффақиятга эришди. Унинг Амир Темур юбилейига бағишланган мусиқа ва кўшиқлари ўзбек миллий-анъанавий услуби билан жаҳон мусиқа санъати илғор тажрибаларининг бетимсол, уйғунлашган намунаси бўлди. Оркестр оҳанглари бу миллий шакли эндигина яратилди.

Мустақиллик йиллари ўзбек миллий кўшиқчилик санъатида эришилган энг катта ютуқлардан бири 1995 йил декабрда “Ўзбекистон - Ватаним маним” мавзусидаги кўшиқлар кўрик-танлови бўлди. Бу кўрик-танлов мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларида, шаҳар ва туманларида юксак кўтаринкилик руҳида ўтказилди.

1996 йил март ойида Тошкентнинг “Баҳор” концерт залида “Ўзбекистон - Ватаним маним” деб аталган кўшиқ танловининг биринчи босқичи бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли муассасалар ўртасида ўтказилди. Кўрик жуда қизиқарли бўлиб, унда болалар боғчалари тарбияланувчиларидан тортиб мамлакатдаги бир

қанча педагогика институтлари талабаларигача иштирок этишди. Кўриктанлов қатнашчиларининг она-Ватан гўзаллиги, унинг истиклолини мадх этган кўшиқлари таниқли бастакорлар, шоирлар ва Халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассисларидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди.

Кўриктанловнинг фақатгина биринчи босқичида 54 мингдан зиёд иштирокчилар қатнашди. 10 мингдан ортиқ кўшиқ ижро этилди. 1996 йил 24 август куни Тошкентдаги “Туркистон” саройида кўшиқлар кўриктанловининг якуний босқичи бўлди. Озод Ватанимиз ва Мустақиллигимизни тараннум этувчи энг сара кўшиқлар мамлакат бош ҳайъати ҳукмига ҳавола этилди. Танловда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўшгина миллат вакиллари фаол қатнашди. Рус, қозок, туркман, қирғиз, корейс, уйғур тилларида жонажон Ватанимизни куйловчи кўшиқлар янгради. Уч кун давом этган кўриктанловнинг якунловчи босқичида ҳакамлар ҳайъати ва санъат муҳлислари эътиборига 60 дан ортиқ кўшиқ тавсия этилди.

Ҳакамларнинг 1996 йил 26 августдаги қарорига биноан биринчи ўрин берилмади. Учта иккинчи ўринларга Мудофаа вазирлигидан Асатилло Холиқов “Ўзбекистон аскарлари”, Қорақалпоғистонлик Роза Кутекеева “Мустақиллик гуллари”, Тошкент вилоятидан Бахтиёр Умаров “Она юртим” кўшиқлари учун сазовор бўдилар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан Саломат Иброҳимова “Ўзбекистон - Ватаним маним”, рус миллий маданият марказидан Павел Борисов “Мен сени севаман, Ўзбекистон”, Самарқанд вилоятидан София Сафгарова “Ватан ягонадир” кўшиғи учун белгиланган учта учинчи ўринларни олишди.

Мазкур танлов Мустақиллик байрамининг 5 йиллиги арафасида 1996 йил 28 августда Тошкентда Халқлар дўстлиги саройида якунланди. Унда вилоятлар, вазирликлар, муассасалар бўйича танлов ғолиблари ўзларининг дилрабо кўшиқлари билан иштирок этдилар. Умуман, “Ўзбекистон - Ватаним маним” мавзусидаги кўриктанловнинг ўтказилиши Мустақилликни, Ватанни англаш, уни улуғлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди, мамлакат ва халқимиз ҳаётида кўшиқ байрамининг одат тусига кириши учун замин яратди.

Шунинг учун ҳам 1996 йил 27 август куни “Ўзбекистон - Ватаним маним” кўшиқ байрами ҳақида” махсус фармон қабул қилинди. Унда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган “Ўзбекистон - Ватаним маним” кўшиқ кўриктанловининг халқимиз маданий-маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлгани, минглаб фуқаролар томонидан зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қўллаб қувватланганлиги” қайд қилинди.

Фармонда инсонлар калбида муқаддас Ватан туйғусини тарбияловчи юксак бадиий musiқа асарлари ва кўшиқларнинг яратилишига кенг имкониятлар яратиш мақсадида ҳар йил август ойининг учинчи якшанбаси “Ўзбекистон - Ватаним маним” кўшиқ байрами куни деб белгиланган бўлди<sup>1</sup>. Мамлакатда musiқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ташкил этилди. Унда musiқа-рақс санъатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалалари кўзда тутилди.

Хўш, нима учун биз Ўзбекистоннинг истиклол йўлларидаги musiкий-кўшиқчилик санъати хусусида бунчалик батафсил мулоҳаза юритдик? Бунинг боиси шундаки, рус истилоси ва шўролар мустабид маъмурий-буйруқбозлик тизими йилларида ўзбек миллий маданияти, айниқса кўшиқчилик санъати жуда катта зиддиятли ҳолатларни бошидан кечирди.

Тахминан 130 йилга яқин даврда асосий эътибор ўзбек миллий musiқа санъатидан миллийлик анъаналарини сиқиб чиқаришга қаратилди. Натижада миллий кўшиқчилик санъатида миллийлик ва байналминаллик нисбатларида номутаносиблик юзага келди. Шу билан бирга истибод даврларида ўзбек миллий кўшиқчилик санъатининг бошқа халқларнинг шундай маданияти билан ижодий муносабатларга ҳам путур етказилди.

Маълумки, халқларнинг ижтимоий тараққиёти улар қадриятларининг равнақи билан узвий алоқадорликда давом этади, ҳар бир миллий маданият ўзига хос бебаҳо ва ранг-баранг қадриятларини такомиллаштириб бориши натижасида умуминсоний қадриятларни шакллантириб боради. Миллий қадриятлар ўз табиатига кўра фақат тор доирада сақланиб қолмайди, балки равнақ топиб ҳамда маънавий турмуш жараёнида муттасил янгиланиб, бошқа халқлар қадриятларининг ютуқлари билан бойиб боради.

Ҳар бир эл, элат, уруғ ёки халқнинг урф-одатларида, уларни бажаришдаги фаолиятида ўзига хослик бўлади. Агар ана шу ўзига хосликни ўша жойнинг аҳолиси қадрласа, улар ҳаётнинг бир қисмига айланган бўлса, бунинг ёмон жойи йўқ. Бундай ўзига хослик билан боғлиқ қадриятларни бошқа жойда, бошқача тарзда яшаётган кишиларнинг тарозуси билан ўлчаш ёки бу масалада бошқаларнинг ҳакам бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Байналминаллик туйғуси фақат ўз халқи қадриятини ардоқлаш, кўз-кўз қилиш ва бошқалар орасига ёйишга интилиш туйғусига асосланмайди. Балки ҳар бир халқ, эл, элат, уруғ қадриятларини қандай ҳолатда бўлса шундайлигича қабул қилиб, уларни ҳурмат қилиш бундай туйғунинг бошланишидир.

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 1996, 28 август.

Халқлар, элат ва миллатлар, давлат ва жумҳуриятлар ҳамкорлиги бу жараёнларни кучайтиришга хизмат қилади. Масалан, Марказий Осиё давлатлари халқлари ва мустақил республикалари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилиб бораётганлиги миллий кадриятларни тиклаш, ривожлантириш ва ўзаро бойитиш муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Шу ўринда Алматида ҳар йили ўтказилаётган “Осиё овози” халқаро анжумани жуда катта қадам бўлмоқда. Унда нафақат Марказий Осиё республикалари, Қозоғистон, балки Осиё ва Шарқнинг жуда кўплаб мамлакатларидан келган санъаткорлар қатнашмоқдалар. Бу анжуман умуминсоний кадриятларнинг нақадар улуғлигини, миллий кадриятларнинг ранг-баранглиги ва уларнинг энг яхшилари умуминсоний кадриятларни янада бойитишини яққол намоён қилмоқда. Анжуманнинг бевосита иштирокчилари ва тамошабинлари эмас, балки у тўғрисида телекўрсатувларда, радио эшиттиришларда, газета ва журналларда берилган хабарлар орқали ҳам миллионлаб кишиларнинг маънавий олами бойимоқда. Худди шундай фикрни Ўзбекистонда ўтказилаётган “Шарқ тароналари” халқаро фестивали хусусида ҳам айтиш мумкин.

Умуман, Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўзбек миллий мусиқа-қўшиқчилик санъати жуда катта ривожланиш, тикланиш йўлини босиб ўтди. Аммо, масалани бутун борилиғича, тўлиқ тасаввур этиш учун эса биз кўпроқ миллий қўшиқчилик санъатининг ўзига хос хусусиятларини илмий аснода англаб етишимиз, мазкур санъат тарихидаги умумийлик ва хусусийликни билишимиз лозимдир.

Яна бир нарсага эътибор беришимиз лозим. Гап шундаки, ҳозиргача ўзбек қўшиқчилик санъатини бир ёқлама тасвирлаш ҳолатлари учрайди. Айрим ҳолларда у фақат ижобий, баъзан эса салбий маънода баҳо берилади. Бироқ, илмий ҳақиқат масалага комплекс тарзда ёндошишни ва уни ҳаққоний равишда баҳолашни талаб этади. Шунинг учун ҳам биз ушбу тадқиқотимизда ўзбек миллий қўшиқчилик санъати тарихига, айниқса, унинг 50-60-йиллар тарихига, мавжуд ҳолатига ҳаққоний, илмий мушоҳада асосида баҳо беришга ҳаракат қиламиз. Масаланинг мазкур давр бўйича таҳлил этилиши мусиқий-қўшиқчилик санъатининг маъмурий-бўйруқбозлик тизими бўйича аниқ, илмий баҳо беришимизга ҳам асаос беради, деб ўйлаймиз.

## ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ

### ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР

Маълумки, ўзбек миллий-маданияти тарихи ўзининг бой, мустақкам анъаналари ва чуқур илдизларига эгадир. Жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми сифатида туркий халқлар маънавияти, хусусан ўзбек миллий маданияти умумбашарий кадриятлар силсиласида алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда жаҳон маданияти ўзбек миллий маданияти дурдоналаридан самарали равишда фойдаланиб, ўзини бойитиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ўзбек миллий давлатчилигининг жуда бой анъаналарга эга эканлигини бот-бот такрорламоқда. Айниқса, у ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асаида бу масалага алоҳида эътибор бериб қўйидагиларни таъкидлайди: энг муътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралиғида пайдо бўлди, тарихий далиллар, ворислик тамойиллари буни исбот қилиб турибди. Лекин, ғарб, хусусан, рус тарихчилари буни тан олмайдилар. Сабаби бизнинг тарихимиз уларникидан кўхналиғидадир. Худди шундай масала Хоразм давлати тарихи масаласига ҳам тааллуқлидир.

Дарҳақиқат, маъмурий-бўйруқбозлик тизими даврларида ўзбек миллий давлатчилик тарихини иложи борича “кўрмасликка ҳаракат” қилиш, уни камситиш коммунистик-болшевистик мафқуранинг асосий мақсадларидан бири эди. Хусусан академик А.Асқаровнинг таъкидлашича, яқин вақтларгача ҳам Сўғднинг асосий шаҳарлари бўлган Самарқанд ва Бухоронинг 25 асрлик маданияти тарихининг илдизлари қайси даврга бориб тақалиши номаълум эди. Оқибатда айрим тарихчилар орасида Самарқанд ва Бухоро шаҳар маданияти Эрон аҳмонийлари ёки юнонистонлик эллинлар томонидан келтирилган деган тасаввур пайдо бўлди. Замонбобо ва Саразм ёдгорликларининг топилиши ана шу ғайри илмий нуқтаи назарларга чек қўйди ва Сўғднинг шаҳар маданияти айнан шу ўлканинг энсолит ва бронза ёдгорликлари - Саразм ва Замонбобо маданиятлари асосида келиб чиққанлиги исботланди<sup>1</sup>. Ушбу мисолларнинг ўзиёқ Марказий Осиё халқлари маданиятининг тарихий илдизлари жуда мутақамлиги ва ўзига хослигидан далолат беради.

Марказий Осиё халқлари маданияти силсиласида қўшиқчилик санъатининг ўрни ва роли жуда катта бўлган. Дарҳақиқат, қўшиқчилик

<sup>1</sup> Асқаров А. Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврдан эрамининг V асригача).-Тошкент, 1994.-64-бет.

санъати инсоннинг узок тарихий даврлар давомида шаклланган ижтимоий фикри, ғоялари, дунёқараши маҳсулидир.

Аммо, таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё халқларининг мусиқий санъати бошқа худудларда яшаган халқларнинг айни шундай маданият туридан дастлаб шакл жиҳатдан фарқ қилган бўлса-да, лекин мазмунан нисбий маънодагина алоҳидалик касб этганлигини унутмаслик лозим. Энг қадим даврларда турли халқлар мусиқа санъати шаклидаги фарқли жиҳатлар ва мазмунан алоҳидаликдаги нисбийлик тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида мазмуннинг миллий хусусиятлар оқибатида алоҳидалик, ажралиб туриш ҳолати юз берганлиги билан тавсифланади. Бунинг боиси эса турли халқлар ижтимоий ҳаётидаги, шахсий турмушидаги психологик ҳолатлар ва руҳий кечинмаларнинг кўшиқчилик санъати орқали ўзаро уйғунлашувидир. Бундай ўхшашлик ва уйғунлашиш қабилалар, халқлар ҳаёти, маиший турмуш, фаровон истиқбол учун кураш, мураккаб ижтимоий зиддиятларни ҳал этиш асосида янада кенг кўлам касб этган.

Энг қадимги даврларда кўшиқчилик санъати халқ ўйинлари асосида юз берганлигини ҳам унутмаслик лозим. Шу ўринда тарихий маълумотларга қараганда ибтдий овчилар ҳаётида овчилик ўйинлари муҳим ўрин тутганлигини қайд этиш тўғридир.

Айрим манбаларда улар овдан олдин ўтказилиши ёзилган бўлса, бошқаларида овдан сўнгги ўйинлар ҳақида фикрлар баён этилган. Агар бу маълумотларни чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, унда овчилик ўйинлари овдан олдин ҳам, ундан сўнг ҳам ўтказилган, дейиш мумкин. Овдан олдинги ўйинлар - ов олди машқи (овга тайёргарликни текшириш, овга руҳий ва жисмоний шайланиш) вазифасини ўтаган ҳамда ўзига хос кичик маросим сифатида уюштирилган.

Бу ўйинлар жараёнида ибтдий одамлар ўлжани осонгина қўлга киритиш, унга яқинлашишни ўрганишган, бунинг учун никоб кийиб, ҳайвон қиёфасига киришни, унинг юриш-туришлари ва товуш чиқаришларини машқ қилишган. Айнан ана шундай ўйинлар жараёнида ёшларни ҳам ов қилишга ўргатишган. Шу боисдан ҳам у ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, бир томондан, овчилар маҳоратини ўстиришга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан эса, уларда тақлид санъатини шакллантирган ва ривожлантирган.

Овдан сўнгги ўйинлар ов муваффақиятли тутагандагина уюштирилган, деб таҳмин қилиш мумкин. Чунки овдан ўлжа билан қайтиш, бу зиёфат, хурсандчилик қилишга, бутун жамоанинг байрам қилишига имкон яратган.

Қайд этиш лозимки, овчилар бундай ўйинлар ёрдамида "...кун бўйи ов қилиб, чарчаб қайтгач, кечкурунлари ўз аъзойи-баданларига дам

бериш,...бугунги таассуротларини, кайфият ва туйғуларини, овдан мамнунликларини, тўқчиликни, шўхликларни ифодалашарди. Бу жараёнлар, яъни ҳар бир муваффақиятли овдан кейин ўйиннинг анъана бўлиб қолиш байрам кайфиятида ўтадиган махсус маросимни шакллантира бошлаган<sup>1</sup>.

Худудимизда, умуман кўшиқчилик мусиқий санъатнинг шаклланишида кишиларнинг атрофидаги ҳодисаларни англашга интилишлари жуда муҳим аҳамият касб этган. Маълумки, табиат кучларининг олдида кишиларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний жаҳатдан ожизлиги натижасида уларда илоҳий кучларга сиғиниш, сажда қилиш юзага кела бошлади. Табиийки, кишилар ўз қарашлари, орзуларини муайян маросим ва байрамларда акс эттиришга уринганлар.

Жумладан, қурғоқчилик даврида "ёмғир тилаш" ("Суст хотин"), шамол зарар келтирганда "шамолни тўхтатиш" ("Чой момо") ва шамол керак бўлганда-"шамол чақиритиш", бевақт совуқ тушганда-"кўёшга сиғиниш", омад келмаганда, офат бўлганда қурбонлик қилиш ва хоказо маросимлар ўтказилган. Аммо бундай ҳодисаларни ҳали байрам, ёки санъат, хусусан кўшиқчилик санъатининг ибтдий тарзда бўлсада кўриниши, деб бўлмасди. Кейинчалик эса ибтдий одамлар бундай маросимларни табиий офатларнинг гўё олдини олиш мақсадида ўтказа бошлашади. Бу эса уларнинг баъзиларини байрамга айланиб кетишига сабаб бўлди, жумладан қурбонлик қилиш маросими -"Қурбон хайити" вужудга келди. Демак, баъзи илоҳий кучга ишонишга бағишланган маросимлар асосида кейинчалик диний байрамлар шакллана бошлади.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, кўшиқчилик санъати аслида ибтдий одамларнинг табиат кучларига нисбатан муносабати тарзида юзага келди, турли товушлар, жисмоний ҳаракатлар эса сунъий равишда юзага келиб, кейинчалик улар маълум маъно ва мазмунга эга бўла бошлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда мусиқий маданиятимиз тарихи жуда узок эканлигини исботловчи айрим ашъвий далиллар учраётганлиги бизнинг ушбу масалага оид илмий тасаввурларимизни бироз бўлсада, бойтмоқда. Жумладан археолог олимлар Самарқанд вилояти, Ургут туманининг Мўминобод қишлоғи яқинидаги қабрдан қазиб олинган аёл суяклари ва унинг ёнидаги турли хил тақинчоқлар орасидан топилган ажойиб бир най созини ана шундай ашъвий далиллар сирасига киритиш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, бу мусиқий соз бронза даврига оиддир. Ёши салкам 5 минг йил деб белгиланган бу най сози яхлит суяқдан

<sup>1</sup> Равҳонов М. Ўзбек театри (Қадимий замонлардан ХVII асрга қадар). -Тошкент, 1975.-27-бет.

ниҳоятда моҳирлик билан ишланган бўлиб, жуда яхши сақланган. Мазкур топилма илмий жиҳатдан қимматбаҳо бўлиб, ҳозир Самарқанддаги Республика маданият ва санъат музейида сақланмоқда<sup>1</sup>.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қўшиқчилик-муסיқа санъати тарихи жуда қўхна эканлигини юқорида таъкидлаган эдик. Хусусан, бу нарсани бундан 27 аср илгари пайдо бўлган зардуштийликнинг муқаддас “Авесто” китоби ва унинг иккинчи “Бислард” қисмидаги 2 бобдан иборат қўшиқлари ва диний маросимларга хос расм-русусмлар баёни, 4-“Ягт” қисмидаги зардуштийлик худолари ва маъбудаларига бағишланган 22 қўшиқдан иборат манбалар тўла исботлайди.

Сўнги пайтларда археологларимиз томонидан олиб борилган қазилмалар натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қўшиқчилик маданиятига оид ёдгорликлар топилаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, археолог олим Ж.Кабиров ўзининг “Сармишсой қоя-тошларидаги расмлар” китобида айнан қадимги маданиятимиздан гувоҳлик берувчи яна бир ашёвий далил-ҳозирги Навоий шаҳридан 40 км узокликдаги Қоратоғнинг этакларидаги Сармишсой қоятошларидан топилган тасвирларда жами 100 дан ортиқ расмларни ва улар орасида рақсга тушаётган 2 киши тасвири ҳақида маълумот келтираркан, мутахассислар бу расмлар милоддан аввалги III-II минг йилликларга оид эканлигини таъкидлаганларини айтиб ўтади.

Марказий Осиёнинг жануби ва Шимолий Афғонистондаги археологик тадқиқотлар Юнон-Бақтрия ва Кушон-Бақтрия маданияти гуллаб-яшнаганлигидан далолат беради. Дастлабки ёдгорликлар Айритом ва Қўхна Термизда 30-йилларда очилиб, 60-йилларда давом эттирилди. Кейинчалик Қўхна Термиз яқинидаги Қоратела буддийлик ибодатхонаси, Фаёзтепа, Холчаён ва Далварзин қўхна шаҳарчалари очилиб ниҳоят даражада юксак бўлган Кушон маданияти бутун дунёга машҳур бўлди. Кушонлар даврида қўшиқчилик-муסיқий маданият янада ривож топди, айниқса созлар тез ривожланди.

Шуни қайд этиш лозимки, бу даврда шовқинли чолғулар сони кўпайди, сифат жиҳатидан такомиллашди. Ижрочилар қарсақ чалиб ритми таъкидладилар, шовқинли чолғулар таъсирини кучайтирдилар. Ижрочи аёлларнинг чапак зарблари ўзига хос, тақрорланмас, гўзал ҳолатни вужудга келтирар эди. Сўнгра халқ усталари томонидан қамиш ёки бамбук поясидан сурнай, хуштак, яна бир оз ўтгач най (бўйлама, кўндаланг, кўп йўлли), найсимон хуштаклар, шикилдоқлар, чилторлар (арфа, лира) ва кифоралар пайдо бўлди. Вақт ўтиши билан чолғулар янада такомиллашиб (кўп йўлли, шунингдек замонавий кўп тешиқлик) найлар юзага келди.

Кейинроқ эса торли-мизробли ва торли-камонли муסיқа чолғулари пайдо бўлди. Улардан сарой аёнларининг маросимларида, ҳарбий юришларда фойдаланилди.

Эрамининг IV-V асрларидан бошлаб Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий алоқаларида ўзгариш юз берди: кулдорлик тузуми ўрнини аста-секин феодал тузуми эгаллай бошлади. IV асрнинг 60-йилларида Марказий Осиёга туркий халқларнинг кириб қолиши натижасида туркий ва Шарқий Эрон халқларининг аралашуви тобора кучайиб, натижада ўзбек ва бошқа Марказий Осиё халқлари шакллана борди. Шу даврдан эътиборан Марказий Осиё ҳудуди Туркистон номини олди<sup>1</sup>.

Туркий халқларнинг Марказий Осиёга кўчиб ўтиши билан ҳудудимизда Турк хоқонлиги даври вужудга келди. Бу давр маънавияти тош ёзувларда, битикларда ўз аксини топган. Мазкур ёзувлар ҳам қўшиқчилик санъатида даҳлдор бўлиб, улар халқнинг хоқонларга нисбатан муносабати ёки хоқоннинг халққа нисбатан мурожаати маъносида талқин этилган.

Хусусан, Ватан туйғуси Бидга хоқонда жуда юксак бўлган. У турк халқининг ватани абадий бўлиши учун курашди. Ватанни сақлаб қолиш фақат хоқоннинг ўзига эмас, халққа ҳам боғлиқ. Аждодларнинг ютуқларию хатоси буни тасдиқлайди. Халқ ўз хоқонининг йўл-йўриқларини амалга ошириши лозим, акс ҳолда унинг бошига кўп кулфатлар келади. Ўта ишонувчан бўлмаслик, бошқаларнинг гапини мулоҳаза қилгандан кейин иш юритиш керак. Самимийлик билан ёлғонни фарқлай билиш керак. Самимийликнинг остида кўпинча ёлғон бўлади. Қаттиқ гапирган, қаттиққўл хоқон ўз халқига ёмонликни раво кўрмайди. Одамни ажрата олмай, тўқис ишонувчан бўлса, фожеага йўл очилади; дарбадарлик шундан бошланади: “Эй турк халқи, тўқис ишонувчансан, самимий, носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийни ҳам танимайсан. Ўшандайлигинг учун тарбият қилган хоқонингнинг сўзини олмайин, ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг”<sup>2</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Марказий Осиё ҳудудида кўплаб ажойиб санъаткорлар - соз чалувчи, қўшиқчилар етишиб чиққан бўлиб, улар аслида ҳозирги ўзбек қўшиқчилик санъатининг тамал тошларини қўйишган. Ана шундайлардан бири туркизаминнинг Марв вилоятида таваллуд топган илк аллома бастакор Борбад Марвазийдир. Мазкур санъаткорнинг ўзи туғилиб ўсган ҳудуддаги ижоди ҳамда Эрон

<sup>1</sup> “Правда Востока”, 1967, 24 сентябрь.

<sup>1</sup> Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. -Тошкент, 1995, 8-бет.

<sup>2</sup> Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. -Тошкент, 1993, 72-бет.



Қайд этиш лозимки, VII-VIII асрларга келиб маҳаллий мусиқа анъаналари аниқ тус касб этди, халқ ва профессионал мусиқанинг оғзаки анъаналарига асос солинди. Яна шуниси маълумки, мазкур даврда мусиқа, рақс, кўшиқчилик, дорбозлик ва бошқа санъат турлари камол топган. Бу даврда Бухоро санъаткорлари, Самарқанд найчилари, Тошкент ўйинчи йигит ва раққоса қизлари, Хутан сурнайчилари ва Кўча бастакорлари билан шўхрат топган эди. VIII аср бошларида Чоч, Самарқанд, Кеш ва Маймурғ раққоса қизлари ва ўйинчи йигитлари, Хуттал мақомчи аёллари Хитой императори саройига юбориб турилган<sup>1</sup>.

Туркий халқлар, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги кўшиқчилик-мусиқа санъати араблар истилоси даврида ўзининг жуда мураккаб даврини бошидан кечирди. Умуман, бу давр туркий халқлар маънавий ва моддий маданияти бир томондан, илгари пайдо бўлган, шаклланган жиҳатлари ёппасига йўқотила бошланган бўлса, бўлак жиҳатдан туркий халқлар миллий маънавияти ислом дини анъаналарига мойил бўлган янги кадриятлар билан бойий бошлади.

Босиб олинган жойларда зардуштий адабиётлар, хусусан диний китоблар, сўғд тилидаги номалар, халқ адабиёти йўқ қилиб юборилди. Қутайба Ибн Муслим Хоразм хаттотларини қатл эттирди ва дин пешволарини қириб ташлаб, уларнинг китоб ва қўлёзмаларини ёқиб юборгандан кейин хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар, уларнинг фақат ёдда сақлаб қолган хотираларигина қолди, аммо вақт ўтиши билан у унутилиб, фақат ўзлари учун мос бўлган хотираларигина сақланиб қолди, дейди Беруний<sup>2</sup>.

Ўзаро тенглик ва мустаҳкам эътиқод дини бўлган исломни биринчи навбатда камбағаллар қабул қила бошладилар. Аҳолининг ўрта ва юқори қатламлари уни бир неча вақт қабул қилмай турдилар. Араб босқини шубҳасиз ўлка халқларининг маданий-маърифий ёдгорликларига қаттиқ таъсир кўрсатди. Улар шу пайтгача сақлаб келган ёзувлари, маданиятлари, адабиёти ва уларнинг дини билан боғлиқ обидалар тикланиб бўлмас даражада йўқ қилинди.

Араблар истилоси даврида маҳаллий кўшиқчилик санъатига катта зарар етказилганига қарамасдан, халқ оғзаки ижоди ўзининг эркини маълум даражада сақлаб қола билди. Айни пайтда араб ислом байрамлари диний мазмунга эга бўлиб, улар маҳаллий аҳоли орасида ҳам тарқала борди. Хусусан, XI аср тарихчиси Байҳақийнинг маълумот беришича, /азна шаҳри атрофида бўлиб ўтган намоз ва қурбонликлардан кейин Амир Масъуд зиёфат уюштирган, шарбат ва ўша ғазналиклар саройида удумга

кўра май ичишган, мусиқа чалишган, кўшиқ айтишган, шеърлар ўқишган, давлатпаноҳ одамларга мукофотлар улашган<sup>1</sup>.

Бироқ, Марказий Осиё маданияти, хусусан кўшиқчилик санъати ўзининг миллий маҳаллий анъаналарига эга бўлганлиги учун ҳам ўз таъсирини араб маданияти ва турмуш тарзига ўтказмаслиги мумкин эмас эди. Шу ўринда араблар кўшиқчилик санъатида маҳаллий туркий халқлардан талай жиҳатларни ўрганиб олдилар. Абулфараҳ ал-Исфажоний ўзининг араб тилидаги “Китоб ул-оғоний” асарида ёзишича, истилочи араблар Марказий Осиё халқларининг жуда кўп куйларидан фойдаланганлар. Масалан, Мусажжик номи билан машҳур бўлган араб кўшиқчиси Марказий Осиёда бўлганида турли хил куйларни танлаб олади ва улар негизида кўшиқлар ижроси тизимини яратди. Бошқа бир араб кўшиқчиси Ибн Муҳриз эса биринчи бўлиб минтақалик кўшиқлардан ўрганган байтларни ижро этади<sup>2</sup>.

Маълумки, IX-XV асрлар Ўзбекистон тарихида Уйғониш даври номи билан маълумдир. Бу даврда Марказий Осиёда самонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ва хоразмийлардан иборат феодал давлатларнинг юзага келиши ўлкада уруғ-қабилла, улус-элатлар ўртасида нисбатан тинчлик, осойишталикни пайдо қилди.

Худуддаги ижтимоий-сиёсий муҳит эса замонанинг илғор фикрловчи алломалари томонидан илмий-назарий, диний-маърифий тафаккурнинг ривожланишига кенг имкон берди. Шунинг учун ҳам IX-XV асрлар Ўзбекистон тарихида илм-фан, маданият, маърифий-диний ҳолатнинг энг гуллаган даври сифатида майдонга келди.

Уйғониш даврида кўшиқчилик санъати ҳам жуда ривож топди, ўзининг тақомилига этди. Қадимдан ўйин-кулги, мусиқа ва кўшиқ шайдоси бўлган ота-боболаримиз байрамлар, тўйлар, халқ сайллари ва бошқа маросимларни мусиқа, кўшиқсиз ўтказмаганлар. Тарихчи Наршахий Бухоро аҳолисининг афсонавий Сиёвуш қабри атрофида тўшланиб ўйинга тушиб, кўшиқлар куйлашганини эслатади. Хусусан, “Кини Сиёвуш” (“Сиёвуш учи”) кўшиғи кенг тарқалган.


Маҳмуд Қашғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтирилган маълумотлар бизга бу даврда хусусан кўшиқчилик санъати ривожланган, деб хулоса чиқаришга асос беради. Мусиқа асбобларидан руд, танбур, барбат, даф, кус, табл, қўбиз, рубоб, табуроқ, зир, най, чағона, шайкур, сурнай, карнай, қонун каби турлари кенг тарқалган, янги созлар яратилган. Чунончи, Рудақийнинг замондошларидан Абухифа Сўғдий найга ўхшаш шохруд деб аталувчи мусиқа асбобини ихтиро этган. Халқ куйлари асосида

<sup>1</sup> Ўзбек мусиқаси тарихи. Тошкент, 1981. 8-9-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон тарихи. I-жилд. Тошкент, 1977. 122-бет.

<sup>1</sup> Кочнев Б. Средневековые загородные культовые сооружения Средней Азии. Ташкент, 1976, 6-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек мусиқаси тарихи. Тошкент, 1981, 9-бет.



янги-янги куйлар ижод қилинади. Булар: “Рост”, “Хусровоний”, “Бода”, “Ушшоқ”, “Зерафқанда”, “Буслиқ”, “Самохон”, “Наво”, “Баста”, “Тарона” ва бошқалардир.

Муסיқа ва қўшиқчилик санъати одатда поэзия билан чамбарчас тарзда ривожланган. Кўп ҳолларда ўз шеърий ижодлари билан ном қозонган ва халқ ўртасида ҳурматга эга бўлган шоирлар истеъдодли муסיқачи ва хушовоз қўшиқчи ҳам бўлганлар. Масалан, Рудакийнинг ўзи ҳам моҳир чолғучи ва ҳофиз бўлган. У хусусан, руд ва чанг асбобларини моҳирлик билан чалган. Унинг сеҳрловчи машҳур “Бўйи жўйи Муълиён” (“Муълиён ариғининг иси”) шеъри “Ушшоқ” куйида айтилган ва ниҳоятда шуҳрат қозонган.

Айни пайтда Хусравоний (Абугайиб Тохир ибн Муҳаммад ал-Хуросоний), Муңжикий, Термизий, Фаррухий ва бошқа шулар каби шоирлар ҳам муסיқа санъатида машҳур бўлганлар. Тасаввуф илмининг улуғ вакилларидаан Аҳмад Ясавий ва унинг шогирди Сулаймон Боқирғоний ҳам халқ куйларига монанд шеър ва ғазаллар ёзиб куйга солганлар ва уларни қўшиқларда куйлаганлар.

Ўрганилаётган даврда муסיқа-қўшиқчилик билан бирга муסיқашунослик ҳам ривож топди. Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Юсуф Хос Хожиб ва бошқалар ўз ижодларида бу соҳага ҳам катта эътибор берганлар. Масалан, Форобийнинг муסיқага оид “Китоб ал-муסיқий-ал-кабир” асари ўз даврида катта эътибор қозонган. Ибн Сино эса муסיқага доир хулосаларини “Китоб уш-шифо” асарига киритган ва айрим жисмоний ва руҳий касалликларни у муסיқа воситаси билан даволаш мумкин, деб ҳисоблаган<sup>1</sup>.

Марказий Осиёдаги қўшиқчилик-муסיқа санъати Амир Темур ва Темурийлар даврида янада ривож топди. Бу давр мазкур соҳада янги ва баракали босқич бўлди. Бу даврда янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбоблари ва муסיқа назариясига оид нодир асарлар яратилди. Кўплаб маҳоратли созандадар, бастакорлар ва хофизлар етишиб чиқди.

Абдуқодир Найчи, Қулмуҳаммад Шаҳий, Хусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Ҳожи Юсуф Андижоний, Устод Шодий, Нажмиддин Кавкабий ва бошқалар шулар жумласидандир. Омилкор муסיқачилар билан бир қаторда Улуғбек, Навоий, Жомий ва Биноий каби мутафаккир ва шоирлар ҳам муסיқа соҳасида шуғулланиб, унинг ривожига маълум ҳисса қўшдилар. Хусусан, Улуғбек “булужий”, “шодиёна”, “ахлокий”, “табризий”, “усули равон” ва “усули отлиғ” куйларини, Навоий

<sup>1</sup> Шамсуддинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. I-жилд. Тошкент. 1997, 296-297- бетлар. 1997, 296-297- бетлар.

“Исфаконий” куйини ижод қиладилар. Жомий ва Биноийлар муסיқа назариясига оид асар яратадилар.

Қўшиқчилик муסיқа санъати аҳллариининг ижодий фаолияти билан IX-XII асрларда вужудга келган дувоздаҳ (12) мақом куйи бу даврда янги тараққиёт поғонасига кўтарилди, такомиллашди, янги куйлар билан бойиди<sup>1</sup>.

Яна бир бор қайд этиш лозимки, муסיқа ва шеърият доимо биргаликда мавжуд бўлган. Улар ўртасидаги алоқани XV асрда яшаб ижод қилган шоир Аҳмадий “Созлар мунозараси” асарида ажойиб бадий бўёқлар билан тараннум этади. Аҳмадий мажозий характердаги ўзининг бу асарида созлар мунозарасини ҳам беради. Мунозарада иштирок этган барча созлар: танбур, уд, чанг, ҳўбуз, рубоб ва бошқалар ўзларича керилиб мактанадилар. Ниҳоят уларнинг мунозарасига Пири Харобат (соқий) аралашади ва созларнинг ҳар бирига насихатлар қилади, ҳар бирининг ўзига хос фазилатлари борлигини таъкидлайди. Бу асар тарбиявий аҳамиятга эга бўлган дидактик ижод маҳсули ҳамдир. Шоир мактанчок, мутакаббир ва худбин кишиларни танқид қилади, уларни инсофга, камтарликка ва аҳилликка чақиради<sup>2</sup>.

Темур ва темурийлар сулоласи XV асрнинг охирилари - XVI аср бошларида бир неча мустақил давлат тузилмаларига ажраб кетади. Натижада илгари юзага келган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий механизм ишдан чиқа бошлади. Бу нарса маданий ҳаётда, хусусан, қўшиқчилик санъатида ҳам ўз аксини топмасдан қолмади.

Бироқ, кийинчиликларга қарамасдан бу даврда қўшиқчилик-муסיқа санъати ривожланиб борди. Масалан, XVI асрда ҳозирги Ўзбекистон, хусусан, Бухоро маданий ҳаётида муסיқашунос Нажмиддин Кавкабий Бухорийнинг роли катта бўлган. Унинг ижоди Шайбонийхонлар саройида, хусусан, Убайдуллохон (1533-1539) ҳузурда ўтди. Кавкабий мақомларнинг 12 тури ҳақида, профессионал муסיқа, халқ ижоди хусусида қатор тадқиқотлар олиб борди, уларда қўшиқчилик санъатининг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатларини янада ривожлантирди.

Кавкабий Бухорийнинг асосий асарларидан бири “Муסיқий рисола” (“Рисола-и муסיқа”) бўлиб, у ўша даврдаги барча қўшиқлар учун амалий қўлланма сифатида хизмат қилди. Муаллиф ўз асарини ва умуман муסיқашунослик илмини Абу Наср Фаробий ва Абдуқодир Мароғий кабиларнинг қўшиқчилик назариясига суянган ҳолда яратади ва шу асосда ушбу санъат турлари янада ривож топишига йўл очади.

<sup>1</sup> Муҳаммадҷонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Тошкент, 1994, 143-бет.

<sup>2</sup> “Адабий мерос” журнали, 1990. №2 67-бет.

Мазкур даврда Кавкабий ўзбек-тожик кўшиқчилик санъатини ривожлантириб 12 та мақом ва 24 та шуъба тизимига оид нуқтаи-назари муҳим аҳамият касб этади. Булар Кавкабийнинг Бухорода ўзига хос кўшиқчилик мактаби яратганлигидан далолат беради. Кейинчалик унинг шогирдлари Ҳожи Муҳаммад, Мавлоно Ризо Самарқандий ва бошқалар унинг ғояларини, айниқса “Муסיқий рисола” асарини ўзлари учун муסיқий-поэтик қўлланма қилиб оладилар<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, бу даврда халқ муסיқаси ҳам ўз тақомилига эриша борди. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнат мавзуларидаги янги кўшиқлар пайдо бўла борди, рақс санъати учун басталанган муסיқаларнинг сана, шакли ва турлари ҳам кўпайди. Қадимги “катта ўйин” учун яратилган йирик сюжетли муסיқаларни янада ривожлантириш билан бир қаторда, яккахон ўйинлар ҳам ниҳоятда нафис ва лирик муסיқа ҳамда лапарлар, ўйнаб ижро этиладиган яллалар ҳам вужудга келди.

Хонлиқлар даврида кўшиқчилик санъатининг ўзига хос услуб ва шакллари пайдо бўлди. Бунга ўзбек халқининг маҳаллий анъаналари, турмуш тарзи, жуғрофий шароитлари, ҳар бир хонлиқнинг ўзига хос сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёти ва унинг тарихий ривожини асос бўлган. Натижада ҳар бир хонлиқда асрлар давомида бир-бирдан мазмундор, бир-бирдан жозибали, бир-бирини тўлдирувчи ва бойитувчи, аммо айрим белги ва хусусиятлари, ўз шираси, бадиий шакллари, ўсиш йўллари билан ажралиб турувчи Фарғона, Бухоро, Хоразм, Самарқанд муסיқалари пайдо бўлди.

Масалан, Бухоро ва Хоразмда асосан Шашмақом туркумини яратиш ва уни тақомиллаштириш борасида иш олиб борилди. Бухоро қадимдан ўзбек муסיқа санъатининг ўчоғи ҳисобланган. Абдуллахон ҳукмронлиги даврида (XVI-XVII асарлар) Бухоро Туркистоннинг муסיқа марказига айланиб мумтоз муסיқамизнинг ўсишида ижобий ўрин эгаллади. XVIII-XIX асрларга келиб ҳам ўзбек мумтоз муסיқа тараққиётида Бухоро ўз пешқадамлигини сақлаб қолди. Шу даврда бастакорлик санъатининг ижодий муваффақиятлари чексиз бўлди. Бу ерда қадимги 12 мақом ва бой халқ муסיқаси асосида ўзбек-тожик мақомларининг энг сўнги, мукаммаллашган шакли - Шашмақом майдонга келди<sup>2</sup>.

Маълумки, “Шашмақом” 6 турли пардаларга мослаб олинган ва 6 хил ладга асосланган куй ва ашулалар йиғиндисидан иборатдир. “Шашмақом”га Бузрук, Рост, Наво, Дуғоҳ, Сегоҳ ва Ироқ мақомлари киради. 6 мақомнинг ҳар бири жуда катта ҳажмдаги мажмуий асарлар бўлиб, уларнинг ҳар бири таркибида тахминан 20 дан 44 гача катта ва

кичик мақом йўллари бор. Бироқ мақомларнинг халқ орасида машҳур бўлган (чолғу, ашула ва сурнай) йўллари билан кўшиб ҳисоблаганда уларнинг қисмлари 208 дан 250 гагача боради<sup>1</sup>.

Яна шуни қайд этиш мумкинки, Хоразм ҳам ўзбек муסיқа-кўшиқчилик санъати бешиқларидан бири бўлган. Хоразмлик Муҳаммад Хоксарийнинг “Мунтахаб ал-луғат” асарида “ағони” сўзининг “нағма ва сурудлар” деб изоҳланиши, қадимда Хоразмда хилма-хил нағма ва суруд (ашула)лар бўлганини кўрсатади.

XVIII-XIX асрларда ҳам Хоразм кўшиқчилик санъати тараққий этди. Бу даврда, айниқса, ўзбек мумтоз муסיқаси - Шашмақомни яратишга алоҳида эътибор берилди ва бу борада катта ютуқларга эришилди. Бу ерда Шашмақом шакллангунча 12 мақом кенг тарқалган эди. Қашқарлик машҳур муסיқачи Худойберди устоз (1819-1931 йилларда Хоразмда яшаб, ижод этди) Хоразмда кўплаб шогирдлар етиштирди. Бухоро Шашмақоми тақомиллашиб, унинг доврўғи бошқа хонлиқлардан ҳам тарқала бошлади, машҳур муסיқа назарийчиси созанда ва бастакор Ниёзжонхўжа XIX аср бошларида Бухорога бориб Бухоро Шашмақомини ўрганиб қайтади<sup>2</sup>.

Хоразмда XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган Муҳаммад Ёқуб дорчи, Усмонжон Абдуҷаббор, Махзуна, Аваз дорчи, Муҳаммад Ёқуб фозачи каби машҳур бастакор, ҳофиз ва ашулачилар, Қанбар бобо (дуртор), Муҳаммад Ёқуб Харратов, Абдурахмонбек, Абдулла Балабончи, Ёқуб балабончи, сурнайчи Шариф Меҳтар кабилар ўзбек мумтоз ва халқ муסיқасининг ривожига катта ва самарали ҳисса қўшганлар.

Ўрганилаётган даврда Қўқон хонлигига қарашли шаҳарлар Хоразм ва Бухоро хонлигининг Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларидаги шаҳарларга нисбатан иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган эди. Хонлиқдаги шаҳарларда савдо-сотиқнинг кенг ривож топиши, шаҳар ҳаётининг гавжумлиги, маданиятнинг бир даража юқори бўлиши унинг муסיқа ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Қўқон хонлигида муסיқа маданияти бошқа хонлиқларга нисбатан ўзгачароқ йўл билан ривожланди.

Фарғона муסיқа намояндалари муסיқани халққа яқинлаштириш устида бетиним меҳнат қилдилар. Улар катта шаклдаги мумтоз муסיқадан кўра савдо ва ҳунарманд аҳлининг талабларига жавоб берадиган кичик ва энгил шаклдаги муסיқаларни афзал кўрдилар. Натижада Фарғонанинг ўзига хос шўҳ, энгил лирик муסיқаси ва ўйноқи куйлари майдонга келди.

<sup>1</sup> Хасан Хожа Нисорий. Музокара Аҳбоб. Тошкент, 1993, 319-бет.

<sup>2</sup> Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Тошкент, 1963, 124-бет.

<sup>1</sup> Шу ерда.

<sup>2</sup> Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. XVIII асрлардан XX аср аввалигача. Тошкент, 1968. 25-бет.

Балки, мазкур омилларнинг юзага келиши, ҳамда шўх мусика-куйларнинг тарқалишига Бобораҳим Машраб (1657-1711) яратган куйлар ҳам сабаб бўлгандир, зеро Фарғонада машрабхонлик жуда кенг тарқалган эди.

Айни пайтда, таъкидлаш лозимки, Фарғонанинг ўзига хос мусикаси майдонга келишида яна бир маъна асос бўлиши мумкин. Бир пайтлар Андижон ҳукмдори Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх замонасида Андижонда жуда кўп шоир ва олимлар, созанда, раққос ва халқ театрининг турли намояндалари тўплангани аниқ. Фарғона музофоти ва кашқар воқасининг пойтахти ҳисобланган бу шаҳарда тўпланган санъаткорлар жуда кўп мусика куйлари, тароналар кашф этганлар ва шогирдлар тайёрлаганлар. Натижада Андижон қарийб икки аср мусика ва ўзбек театри санъатининг маркази ролини ўйнаган. XVII асрда ўзбек халқининг буюк мусика назариётчиси Дарвиш Алининг Андижондан чиқиши ҳам бежиз эмас.

Андижон Бобур хонадонининг Ҳиндистонга сафаридан сўнг ўз сиёсий мавқеини йўқота борди. Бу ердан санъаткорлар бутун Фарғона бўйлаб тарқалиб, халқ ичига кириб борганлар ва халққа яқин бўлган мусика, куйлар яратганлар. Бу янги услубдаги мусика кейинчалик Фарғона хонлигининг пойтахти Кўқон мусика санъатига асос солган бўлиш эҳтимоли бор.

Қайд этиш лозимки, Фарғона мусикасининг алоҳида бир услубда такомиллашувида уйғур мусикасининг таъсири ҳам кам рол ўйнамаган бўлса керак. Кўқон хонлигининг Қашқарга бир неча бор юришлари иқтисодий ва маданий алоқалар, Қашқарнинг айрим тараққий этган тарихий даврларда Кўқон хонлигига тобе бўлиши, уйғур созандалари, ҳофизлар, раққосаларнинг Фарғонага оқими, Фарғона мусикаси билан уйғур мусикаси ўртасидаги яқинликни келтириб чиқарган эди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Фарғона ўз мусикаий услубини яратишда мумтоз мусика меросидан юз ўтирмади. Фарғонада ҳам ўн икки мақом ва Шашмақом кенг тарқалган эди. “Худойберди устоз баёзи” бунга далил бўла олади. Бу баёз ўтган асрда Муҳаммад Комил Ниёзполвон томонидан тузилиб, унга XIX аср бошида Худойберди устоз томонидан 12 мақом туркумида Хоразмда айтилиб юрган “Мақоми Оро”, “Наврўзи Хоро”, “Сипориш”, “Таронаи Сеғоҳ”, “Таронаи Бузрук”, “Талқини Бузрук”, “Мақоми Дугоҳ”, “Даромади талқин”, “Таронаи Чоргоҳ” каби 50 дан ортиқ куйлар киритилган.

Мазкур санъаткорларни Кўқон хони Умархон Хоразмдан Кўқонга олдириб келган, у Кўқонда ўз мактабини яратган эди. Бу нарса шуни кўрсатадики, XIX аср бошида Фарғонада 12 мақом муайян бир шаклда ривож топган. Худойберган устоз вафотидан сўнг Фарғона ва Тошкентга

Бухоро Шашмақоми ҳам кириб келади. Фарғона бастакорлари ҳам хоразмликлар каби Бухоро Шашмақоми йўлларини ўрганиш ва уни бойитишга астойдил киришганлар. Чунончи, Бухоро ва Хива Шашмақомининг “Сараҳбори”, “Талқин”, “Наср”, вокал қисмига “Қашқарча” қўшганлар. Бундан ташқари Фарғона созанда ва бастакорлари мусикада янги шакл, услуб ва жанрлар излаганларида “Шашмақом”дан кенг ва самарали фойдаланганлар.

Таъкидлаш лозимки, Шашмақомнинг бутун Туркистон хонликларидаги асоси, ўзаги бир бўлган. Хусусан, Фарғона ва Тошкент Шашмақомидаги “Баёт”, “Дугоҳ Хусайний”, “Чоргоҳ”, “Гулёр Шаҳноз”нинг асл ўзаги Бухоро ва Хива шашмақомларидан келиб чиққан. Аммо Кўқон хонлигида Шашмақом тугалланган мураккаб бир шаклда ривожланмади. Фақат у кўпроқ вокал сюита шаклида такомил топди. Натижада Кўқон хонлигида Шашмақомнинг ўзига хос Фарғона-Тошкент нуسخаси майдонга келди. Кўқон саройида Шашмақомнинг кам ижро этилиши, унинг ижрочилари эса асосан халқ ўртасида тарқалгани сабабидан Фарғона “Шашмақом” ижрочилари ўзига хос услубни ҳам келтириб чиқарган эдилар. Бу ерда Бухоро ва Хива саройидаги “Шашмақом” ижрочиларидек қатъий услуб ва қоидаларга риоя қилинмас, Шашмақомнинг куй ва мусикалари айрим-айрим чалиниши ёки куйланиши ҳам мумкин бўларди<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида XIX асрнинг ўрталаригача бўлган даврида мусикаий қолғулар масаласида ҳам маълум силжишлар рўй берди.

Бу даврда ўзбек халқ қолғуларининг ижрочилик имкониятлари ҳам доимо кенгайди ва такомиллашди. Турли хил халқ қолғу ансамбллариининг ташкил этилиши, яқканавоз қолғучилиқнинг ривожланиши мусика усталаридан қолғуларни янада такомиллаштиришни талаб этди. Бироз вақтдан сўнг халқ мусикаси ансамблларида кашқар рубоби ва чанг сингари қолғуларнинг овози янгидан янгради. XIX аср ижрочилик амалиётида най, кўшнайн, сурнай, карнай, буламон, чанг, кашқар рубоби, бухоро(афғон) рубоби, танбур, дутор, дўмбира, ғижжак, сато, доира, қайроқ, сафоил каби қолғулар мустақкам ўрин олди.

Қолғу ижрочилиги санъати тарихида ҳам XIX аср бир қатор мусика усталарининг етиштириб чиқарган давр бўлди. Булар: Тўйчи Ҳофиз, Шораҳим Шоумаров, Шобарот танбурчи, Абдусоат дуторчи, Уста Усмон Зуфаров, Рустамбек, Ашурали Маҳрам, Абдуқодир найчи, Аҳмаджон кўшнайнчи, Абдулла тарок, Рўзиматхон чангчи, Уста Масаид, доирачи ва чангчи Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ ва бошқалардир.

<sup>1</sup> Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. XVIII асрдан XX аср аввалигача. Тошкент, 1968, 30-31-бетлар.

Мазкур санъаткорлар ўзбек халқи мусиқаси хазинаси ва бойликларини сақлаб қолишда, ёш истеъдодларни тарбиялашда қадимий чолғуларнинг тузилишини такомиллаштириш ва янгиларини яратишда катта рол ўйнашди. Янги мусиқа чолғулари аста-секин турмушга кириб келиб, ўтган юз йиллик охирида ансамбллардан мустаҳкам ўрин олди. Мусиқа чолғучиларидан кўшиқ ва рақсларга жўр бўлишда ҳам кенг фойдаланилди, оҳангларнинг таъсирчанлигини ритмик безаклар, қочиримлар билан тўлдирилди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида хонликлар даврида маънавий маданият ўзининг анъанавий усулларида ривож топди. Айрим шўро даври тадқиқотчилари таъкидлаганларидек, бу давр фақатгина йўқотишлар, маънавий упирилишлар, тушқунликлардан иборат бўлмади. Тўғри, бу даврда Амир Темур ва темурийлар давридаги каби маданий соҳада қатъий, йирик сиёжишлар бўлмади. Бироқ, маънавий соҳа анча ривож топди. Уйғониш даври анъаналари давом этди.

Маънавий ривожланишнинг бир шакли, кўриниши сифатида мусиқа-кўшиқчилик санъатида янги йўллар топилди, мавжудлари эса ўз тақомилига ета борди. Мазкур давр кўшиқчилик санъатида профессионализм таркиб топа борди. Бундай санъатнинг ривожланишида сарой санъаткорлари билан бирга халқ кўшиқ ижрочилиги ҳам тараққий этди, кўплаб кўшиқчи, мусиқашунос, чолғучилар пайдо бўлди, мумтоз ашулачиликда Тошкент-Фарғона, Бухоро-Самарқанд, Хива йўллари шакллана борди.

## ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚИЙ-КЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ РУС ИСТИЛОЧИЛИГИ ДАВРИДА

Ўзбекистон ўзининг бой иқтисодий-моддий, маънавий-маданий қадриятлари туфайли доимо кўшни давлатлар ва дунёдаги бошқа кўплаб мамлакатларни қизиқтириб келган. Эрон аҳмонийлари, грек истилочилари, араб босқинчилари, мўғул варварлари ва бошқа кўплаб ажнабийлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўзларининг манфаатларини кўрганлар, мазкур ҳудуд ва унинг аҳолисини босиб олишга алоҳида эътибор қаратганлар.

Албатта, истилочилик, мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўриниши жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида ниҳоятда мураккаб, зиддиятли ҳолатларни юзага келтиради, босиб олинган халқ ва давлат тақдирида салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шу аснода мустамлакачилик у ёки бу халқ тақдирида жуда машъум ролни ўйнаши тарихдан маълумдир.

Бироқ, ўзбек халқи тарихий тақдирида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган босқинчилик ўзининг ижтимоий-сиёсий, айниқса маданий-маърифий соҳадаги кулфатли оқибатлари билан жуда камдан-кам учрайдиган ҳодиса сифатида тарихга кирган.

Ушбу истилонинг миллий-маданий ҳаётдаги салбий оқибатлари, жирканч кўринишлари жуда аянчли бўлиб, унинг бундай машъум излари ҳали ҳам тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Рус мустамлакачилиги Туркистон халқларига мустамлакачиликнинг классик шаклида намоён бўлиши билан изоҳланади.

Тўғри, рус истилочилари учун Туркистон энг аввало иқтисодий бойликлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёлари мавжудлиги туфайли зарур эди. Шунинг учун ҳам мустамлакачилар ўзларининг машъум ниятларини яширмадилар.

Айни вақтда, улар Туркистон ўлкасига бостириб киришдан олдин жаҳон ҳамжамияти олдида ўзларининг “маданиятлашган миссия”лари мавжудлигига урғу бердилар. “Ёввойи”, “қашшоқ” ўзбек халқи, умуман, туркий халқларга юксак цивилизацияни тарқатиш ва шу билан ўзларининг юксак инсонпарварлигини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Аммо, улар ўзбек халқи ва бошқа туркий халқлар ўзларининг ниҳоятда қадимий ва кўҳна, бой маданияти мавжуд эканлигини, бундай маданият жаҳон цивилизациясида алоҳида қадрланишини инкор этдилар. Улар ҳаттоки, Шарқ Уйғониш маданияти (IX-XVI асрлар)нинг Ғарб, Европа Уйғониш даврига озуқа берганлигини, бундай тараққиёт учун

<sup>1</sup> Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Тошкент. 1995, 20-бет.

Ўзига хос маънавий-маданий замин яратганлигини тушунишни ҳам истамадилар.

Ҳар қандай мустамлакачилар каби рус истилочилари ҳам аввало ўзбек халқининг маънавий бойлигига тажовуз қилишдан иш бошладилар. Маълумки, мустамлакачилик бошланишидан олдин ва истилонинг дастлабки йилларидаёқ оқ подшо Туркистонга ўзининг кўплаб вакиллари янатиб, уларга ўлкани, унинг аҳолисини, маданиятини ўрганиш вазифасини берган эди. Шу аснода В.Бартольд, В.Григорьев, В.Вяткин, А.Кун, В.Наливкин, Н.Ликошин каби олимлар, А.Федченко, А.Миддендорф, И.Мушкетов, Н.Петров, В.Ошанин каби қатор географ олим, тадқиқотчилар ва бошқа мутахассислар Туркистонни синчиклаб ўргана бошладилар.

Бироқ, улар Туркистонда, юқорида таъкидлаганимиздек, халқнинг минг йилликлар давомида шаклланган чуқур, кўҳна маданиятига дуч келдилар. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарига ушбу фикрлари жуда ўринлидир: “Ҳоҳ ўтмишда, ҳоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, юритадилар: яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш. Мисол керакми?”

Шуро даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрсатишдан, уни чалкаштириб ёритишдан, баъзи саҳифаларини умуман кўрсатмасликдан мақсад нима эди? Чор Россиясининг Скобелев деган генерали ўз императорига мурожаат қилиб, шундай деб ёзган эди: «Маҳаллий халқ биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўсундира олмаяпмиз. Бу халқнинг ўтмишда яратилган барча осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сундирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Ўзбек миллатига маданият олиб келмоқчи, уларни “цивилизацияли” дунёга қўшмоқчи бўлган рус истилочиларининг ўзи бу ерда кучли маданиятга, кўҳна ва илдиэлари мустаҳкам маънавиятга дуч келдилар.

Мазкур даврда ўлка ҳаётида бир-биридан зиддиятли ҳолатлар юзага келди. Бир томондан чоризмнинг тутган йўли, унинг ўлкада феодал муносабатларини сақлаб қолиш, оммани зулмат ва нодонликда тутиш сиёсати бўлса, иккинчи томондан, жамиятнинг илғор қисми тутган йўл бўлиб, у туғилиб келаётган буржуазиянинг йўналишига қарши курашишдан иборат эди.

Яна шу нарсани қайд этиш лозимки, бу даврда, яъни мустамлакачиликнинг дастлабки даврларида ўлкага келган русларнинг аксарият қисми асосан шаҳарларга ўрнашган эди. Улар асосан савдо-сотик билан шуғулланар, кўплари эса ҳарбийлар эди. Шунинг учун ҳам руслар кўпчилик бўлиб жойлашган шаҳар ҳудудларида айрим маданият масканлари юзага кела бошлади ва улар асосан мустамлакачилар манфаатларига хизмат қиларди.

Хусусан, Туркистон шаҳарлари маданий-маънавий ҳаётида мусиқа ва театр жамиятлари сезиларли рол ўйнай бошлади. Маълумки, Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг бу ерда ҳам шаҳарлар, ҳам кишлоқларда рус поселениелари пайдо бўла бошлади. Шаҳарларда маданий ҳордик чиқариш турларидан бири бўлган духовой оркестр концертлари бўлиб турарди. Улар шаҳарнинг руслар истиқомат қиладиган янги шаҳар қисмида, боғларда ва казармаларда ўз дастурларини намойиш қилганлар. Кўп ҳолларда оркестрларга жамоатчилик асосида иш олиб боровчи капелмейстерлар раҳбарлик қилган. Худди шулар томонидан ўзбек халқ мусиқасини ёзиш ва қайта ишлаш бўйича дастлабки тажрибалар ўтказилган. Бундай мусиқачилар орасида Туркистон ўлкаси мусиқа ҳаётида сезиларли из қолдирган Н.Миронов, Д.Михайлов, А.Эйхгорн, В.Лейсек ва бошқалар бор эди.

Рус мустамлакачилари Туркистонда рус мусиқа санъатини кенгрок тарғиб қилиш, шунинг асосида маҳаллий-миллий мусиқа санъатини сиқиб чиқаришга зўр бердилар. Чор Россиясининг ўлкада олиб борган маданий соҳадаги сиёсати миллатни қашшоқлаштиришга ва уни ўз миллий ўзлигидан айиришга қаратилди. XIX асрнинг 70-йилларидан Туркистон ўлкасида рус миллий характерини эътиборга олган ҳолда ҳаваскорлик бадийий уюшмалари пайдо бўла бошлади.

Бу ишлар билан асосан Туркистон генерал-губернатори шуғулланди. Аслида биринчи рус мусиқий-қўшиқчилик санъати уюшмасини ташкил этиш 1866 йилдан, драматик тўғарак шаклида, сўнгра 70-йилларнинг охириларида эса мусиқа тўғараги асосида юзага кела бошлади. 70-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошларидан эътиборан ўлканинг турли бурчақларида рус жамоалари ташкил этилиб, улар ўзларининг маданий-эстетик эҳтиёжларини қондиришни сўраб юқори мустамлакачи маъмурларга мурожаат қила бошладилар.

Буларнинг барчаси 1883 йил 5 февралда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан Тошкентда Мусиқа жамияти ташкил этилишига асос бўлди. 1883 йилнинг октябрида эса жамият учун махсус идора ажратилди. 1884 йил январ ойидан бошлаб мусиқа жамияти ўз фаолиятини бошлади.

<sup>1</sup> Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. - Тошкент, 1998 439-440-бетлар.

Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ташкил этилган Тошкент мусиқа жамияти ўз низомига эга бўлиб, у 8 бўлим ва 45 параграфдан иборат эди. Унда жамият ташкил этилишидан кўзланган мақсад, унинг ташкилий жиҳатлари тўлиқ баён этилганди. Низомда жамиятнинг асосий мақсади куйидагилардан иборат деб кўрсатилди:

1. Жамият аъзоларига уларнинг қизиқишларини эътиборга олиб, қўшиқчилик санъатини намойиш этиш учун зарур шарт-шароит яратиш.

2. Қўшиқчилик ижодини кенгроқ тарғиб қилиш ва уни ривожлантириш учун кўмак бериш.

3. Жамият аъзолари сонининг тўхтовсиз ортиб боришига алоҳида аҳамият бериш<sup>1</sup>.

Кейинчалик мусиқа жамияти ўз сафларини тобора кенгайтира борди. Бу ўлкада мустамлакачилик идизларининг мустаҳкамланишига, Россиядан Марказий Осиёга, хусусан Ўзбекистонга кўплаб рус фукараларининг кўчиб келишига сабаб бўлди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида жамият мусиқа ҳаваскорларидан ташкил топган оркестр ва хорга эга эди. Жамият хори таркибида 80 дан ортиқ ашулачи бўлган. Айни пайтда жамият қошида офицерлар ҳаваскорлик оркестри ҳам ишлаб турди.

Рус мусиқа тўғарақларига маҳаллий миллат вакиллариини жалб этиш масаласи катта муаммо эди. “Туркестанские ведомости”да шундай дейилади: Тошкентда рус жамияти ташкил топишининг бошиданок шаҳарда мусиқа синфларининг очилиши унинг мусиқага бўлган эҳтиёжини кўрсатади. Бу эҳтиёжни қондириш воситалари ниҳоятда заиф, бунинг устига, бутунлай тасодифий эди. Унча-мунча мусиқа билимига эга бўлган мусофирлар мусиқа кечалари ва кичик-кичик концертлар уюштирдилар. Булар аксари ҳолларда муъжаз жамоа учунгина хизмат қиларди. Рус кишилари миқдорининг ошиши билан умумий таълимга бўлган қатъий талаб пайдо бўлди, мактаблар, етимхоналар ҳамда гимназиялар очилди, лекин мусиқа нуқтаи назаридан маблағлар шунчалик заиф эдики, ҳатто ўсмирларнинг мусиқа таълими учун бирор нарса ташкил этиш имкониятлари йўқ эди<sup>2</sup>.

Мустамлакачилик йилларида рус истилочилари ўзбек мусиқий-қўшиқчилик санъатига жуда беписандлик билан муносабатда бўлдилар. Л.Костенко ўзбек чолғу мусиқасига қисман қизиқиб қарасада, бироқ матн билан боғлиқ бўлган ўзбек ашула ва қўшиқлари ҳақида мутлақо қарама-карши фикр юритиб, шундай дейди: “Турон қўшиқларидек бемаъни нарсани тасаввур қилиб бўлмайди, уларда бирорта ёқимли товуш ёки тўғри куйланадиган нота йўқ. Эшитувчиларга роҳат бағишламоқчи бўлган

субъект куйламайди, овозининг борича бақиради, холос. Унинг бақироқ овози кучайган сари уни эшитаётган тингловчиларнинг завк-шавқи ҳам зўрая боради. Хонанда бошини юқорига кўтариб, кўзларини олазарак қилади, томирлари қонга тўлади ва у чия бўрига ўхшаб улийди, гоҳ мушук сингари миёвлайди, гоҳ туядек наъра тортади. Ўрта Осиё қўшиқларининг шеърлари маънисиз. Туронликлар эртадан кечгача намалар деяётганини ўзи ҳам билмаган ҳолда куйлагани-куйлаган, тинимсиз куйлайверади, унинг ҳаёлига нима келса, шуни куйлайверади<sup>1</sup>.

Бундай фикрлар табиийки, қадим-қадимдан ниҳоятда пишиқ, асрлар давомида сайқал топган ўзбек анъанавий-мумтоз қўшиқчилик санъати тарихига отилган гошдаё бўлак нарса эмасди. Мустамлакачилар қандай йўллар билан бўлмасин ўзбек анъанавий-қўшиқчилик санъатини ерга уришга ҳаракат қилдилар, уни камситдилар.

Аслида эса Туркистон ўлкаси мусиқий санъати ўзининг илғор тажрибасига, миллий анъаналарига эга эди. Ўзбек мусиқа санъати ривожланиши мустамлакачиликнинг оғир қийинчиликлари, чеклашлари, камситишларига қарамасдан давом этди, янги мазмун, шакл, моҳият касб эта бошлади.

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида мусиқанинг ҳамма жанр ва шакллари хонанда, созанда, бахшиларнинг авлодлари томонидан ижод қилиниб, нотасиз ҳолатда оғиздан оғизга ўтиб келган оғзаки анъанавий санъатдан иборат эди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон мусиқанинг ўлмас мақом турларини путур етказмай кейинги авлодларга қолдириш мақсадида Мунис ап Комил Хоразмий каби забардаст санъаткорларни нота яратишга ундади, уларга ғамхўрлик кўрсатди. Давлат арбоби бўлган Муҳаммад Раҳимхоннинг бу хизматлари диққатга сазовордир. У инсоният салоҳиятининг буюк ютуқларидан бири бўлган мақом куйларини келажак авлодга асл ҳолатда етказишни астойдил истарди. Ўзбек мусиқаси халқ куйлари ва профессионал мусиқадан иборат бўлди.

Қайд этиш лозимки, қўшиқлар мазмунига кўра алла, болалар қўшиғи, лирик қўшиқлар, оилавий расм-русм куйлари, тўй, мотам, меҳнат қўшиқлари, тарихий куй-қўшиқлардан иборат бўлган. Шу билан бирга халқ орасида ҳазил юмористик ва сатирик куйлар, чолғу мусиқаси жуда кенг тарқалган эди. Чолғучилар, қизиқчилар, кўғирчоқбозлар, дорбозлар ўйинларига жўр бўлишган, карнай, сурнай, ноғора, дутор, танбур, ғижжак, рубоб, най, доира асосий мусиқа чолғуларидан ҳисобланар эди.

Маълумки, 1877 йили Туркистонда драматик труппалар иш бошлади. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошлари Ўзбекистон театр

<sup>1</sup> Ҳамидов Х. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. Тошкент, 1996, 104-бет.

<sup>2</sup> “Туркестанские ведомости”, 1884, 14 феврал.

<sup>1</sup> Аҳмедов М. Дони Зокиров. Тошкент, 1995, 11-бет.

санъати тарихида муҳим давр бўлди. Шу давр мобайнида ўзбек миллий ёзма драматургияси пайдо бўлиб, Европа типигаги ўзбек театри юзага келди. Эски ўзбек масхарабоз ва кизикчилари театри йирик актёрларни етиштириб чиқарган эди. Булар орасида ажойиб комик ва ҳикоячи ҳамда мусиқачи, кўпдан кўп ҳажвий асарлар муаллифи Юсуфжон қизик Шакаржонов (1868-1959) айниқса зўр истеъдод эгаси эди<sup>1</sup>.

Мустамлакачилик йилларида ўзбек анъанавий кўшиқчилик санъати фольклор йўналишида ҳам ривож топди. Жумладан, этнограф-фолклорчиларнинг берган маълумотларига қараганда, Фарғона водийсининг тоғ ёнбағирларида уюштирилган “Лола сайли” байрамини халқ томонидан сайланган “Лолачилар” бошқарганлар. “Лолачи” ўз дўстлари билан лола сайлини қачон ва қаерда ўтказилишини аниқлаб халққа хабар берган. Сайл ўтказилишидан олдин “Лолачи” ўз дўстлари билан махсус дарахт ёки дарахтнинг чиройли шохини кесиб олиб, лолалар билан бегаган. Кейин уни қишлоқ кўчаларидан олиб ўтган. Буни кўрган одамлар кўчага чиқиб, кўнглига тугиб кўйган орзу-умидларини айтиб, дарахат шохига турли мато парчалари, дастрўмолчалар боғлашган. Сўнг “Лолачи”га эргашиб, ўйин-кулги қилиб, кўшиқлар айтиб лозор томон йўл олишган. Белгиланган жойга келишгандан сўнг “Гул дарахти” марказга ўрнатилган ва оқсоқолларнинг дуоси билан байрам бошланган.

Бухородаги байрамлар ҳам жуда гўзал, ўзига хос тарзда ўтказилган. Айниқса гул сайиллари жуда мазмунли, шўх ва анъанавий тарзда бўлган. “Қизил гул” (“Сайли гули сурх”)да кишилар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб сайил қилиб юришган: бир жойда кун бўйи ашулалар айтиб, рақсга тушилса, иккинчи махсус белгиланган жойда масхарабоз ва дорбозлар томоша кўрсатишган, учинчи жойда хўроз, кўчкор туялар уриштирилган, кўпқари(улоқ)лар ташкил этилган.

“Қизил гул” байрами Хоразмда ҳам ўтказилган ва уч кун давом этган. Биринчи куни қизлар бир-бирларининг уйларига кириб, оналарни ва ёш қизларни байрам билан муборакбод қилганлар, кўшиқ айтиб, ўйинга тушганлар. “Кўбиз” куйини ижро қилиш бўйича мусобақа уюштирганлар (“Қизилгул” байрамида кўбиз чала олмайдиган, кўшиқ айта олмайдиган, ўйинга тушмаган қиз бўлмас экан). Йигитлар ҳам навбатма-навбат ўз жўраларининг уйларига бирма-бир кириб, оталарини байрам билан табриклаганлар, мусиқа чалиб ўйнаганлар ва кўшиқ айтиб бутун кеча давомида хурсандчилик қилишган.

Байрамнинг иккинчи куни мачит ёки қабристон яқинидаги сўлим ва хушманзара жойларда халқ сайиллари ташкил қилинган. Сайл олдида эса турли мева-чева ва ширинликлар сотилган. Сайлда карнай, сурнай, доира

<sup>1</sup> Бобобсков Х., ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 1994, 163-бст.

овози янграган, хонандалар кўшиқ айтиб, раққосалар шўх мусиқа куйларига ўйнаганлар. Чавандозлар пойгаси, полвонлар кураши, бахшилар айтишуви, дорбоз ва масхарабозларнинг томошалари авжига чиққан. Сайлда йигитлар қизларга қизил гул, олма, анор, бўялган тухумлар отиши ўзига хос ўйинлардан бири сифатида намоён бўлган. Шунингдек, ёш йигитлар ишқи тушган қизларга ёш болалар орқали ҳар хил ширинликлар, ҳолва, майиз юборишган. Ўз навбатида қизлар (агар у йигитни манзур кўрса) “жавоб” ширинликлари йўллашган. Сайл тамом бўлиши билан қизлар ёш келинлар бошчилигида саф-саф бўлиб, яқин жойлардаги қабрларни зиёрат қилиш учун жўнаганлар.

“Қизил гул” байрамининг учинчи куни қизлар дугоналарининг ҳовлисидан бирида “Чикон ўйини”-саринжоқ-арғимчоқ ўйини уюштирганлар. Ёш йигитлар ҳам ана шу ўйин ташкил қилинган жойга арғимчоқ учаётган қизлар билан олма отиш ўйинини бошлаганлар<sup>1</sup>.

Умуман, ўзбек халқи ижтимоий-маданий ҳаётида байрамлар, миллий томошаларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Байрамлар эса мусиқа, кўшиқсиз ўтмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда бахши санъати, дostonчилик маданияти ҳам кенг ривож топган. Кўшиқчилик санъати эса кўп жиҳатдан бахшичилик, дostonчиликнинг кўриниши сифатида мавжуддир. Умуман, халқ оғзаки ижоди дунёга тенгдош санъат ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг оғзаки ижоди, ўша халқнинг феъли-атвори ва анъаналарини, жўғрофик ўрни ва табиатини, рўй-рост акс эттириб турвчи боқий кўзгудир. Шунинг учун ҳам дунё халқларининг оғзаки ижодини бегаб турган, бир-биридан қадимий дoston ва эртақлар, аския ва лапарлар, кўшиқ ва топишмоқлар одамларни, башариятни нурафшон қунлар сари етаклаб келди.

Ўзбекистонда ўзига хос услубий йўналишга эга бўлган бахшилар гуруҳини Шеробод дostonчилик мактаби вакиллари ташкил этади. Бу мактабнинг илгариги намояндalари ҳақида деярли маълумот йўқ. Фақат XIX асрнинг бошларида яшаган Бобо шоир, ундan кейин ўтган Қосим кўр ва 1914 йилда вафот этган Шерна созбоши Бекназар ўғли ҳақида айрим оғзаки маълумотларга эгамиз.

Шерна мактаби Мардонакул Авлиёкул ўғли, Умир Сафаров, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Жўра Эшмирза ўғли, Нурали Боймат ўғли каби 20 га яқин дostonчиларнинг етиштирди. Шерна мактабининг энг иқтидорли вакили шубҳасиз, Мардонакул Авлиёкул ўғлидир. Мардонакул 16 ёшда энг номдор бахши Шерна шоир назарига тушди. Шерна бахши Мардонакулдаги чечанлик ва созандалик салоҳиятини сезиб, унга беш йил сабоқ беради. Шу йилларда устоздан “Малла савдогар”, “Олтин қабоқ”,

<sup>1</sup> Қорабеков У. Ўзбекистон байрамлари. Тошкент, 1991, 30-31 бетлар.



“Санам гавҳар”, “Нуралӣ”, “Олчинбек”, “Алпомиш” каби унлаб дostonларни ўрганди ва ўзи ҳам мустақил куйлай бошлади<sup>1</sup>.

Рус истилочиларининг доимий зуғумларига қарамасдан ўзбек миллий кўшиқчилик-музыка санъатининг ривож топганлигини алоҳида қайд этиш лозимдир. Бундай ривожни Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари мисолида кўриш мумкин. Масалан, Фарғона водийсида яратилган куй ва кўшиқлар ўша даврнинг оғир кунларини, мазлум меҳнаткаш омманинг орзу-умидларини ифодалаганлиги билан ажралиб туради. Ҳофизлар ўша кезлари Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодира, Увайсий, Ҳазиний, Надимий, Ғарибий, Ёрий ва Мирий каби шоирларнинг ғазалларини куйлаганлар.

Мадали ҳофиз номи билан Фарғона водийсида яшаган ва ўзининг юксак ижрочилик маҳорати билан барчанинг хурматиغا сазовор бўлган ҳофиз, мусиқачи ва бастакорлардан унлаб зотларни мисол келтириш мумкин. Жумладан, Фарғонага яқин Арсиф кишлоғидан Парпи ҳофиз, наманганлик Абдулла ҳофиз, исфаралик Мадумар ҳофиз, бешариқлик Ҳамрокул қори Қосимов, қўқонлик Эркақори Каримов ва Маҳрамҳофиз, марғилонлик ҳофизлар Абдураззоқ ота, Болтабой Ражабов, Ҳасанқори, олтиариқлик Мулла Усмон Охун, Мирзааҳмад, Мулла Бурҳон, андижонлик Тошкент ҳофиз, мулла Абдувоҳид, Солиҳўжа ҳофизлар хонлар ва рус чоризми истибодоти даврларида яшаб ижод қилдилар, улар ўзларининг ғоят нафис ва зукко санъатлари билан жаҳолат ва разолатни фoш этдилар. Марғилонлик машҳур доирачи Уста Олим Комилов, камончи ва дуторчи Отахўжа Эшон, наманганлик дуторчилар Собирохун ва Рамазонохун, Танбурчилар Жалолхон ва Султонхон, ёзёвонлик Маматхон қори Мунақбоев ва бошқалар ҳам шулар жумласидандир<sup>2</sup>. Буларнинг сабаб-ҳаракатлари туфайли ҳамда азалий-анъанавий қадриятлар натижасида Туркистон ўлкасида миллий-мумтоз кўшиқчилик санъати анча ривож топди. Бунга ўхшаш даврдаги жадидчилик ҳаракати ҳам жиддий ижобий таъсир кўрсатди. Жадидчилар ўлкадаги маданий ҳаётнинг ҳаққоний манзарасини чизиб бердилар. Улар ўлканинг бир томондан мустамлакачилик азобида эканлигидан, бўлак томондан, бу ердаги феодал тартиблардан қайғурадилар, сиёсий курашга отландилар. Хусусан, тижорат аҳли, ҳунарманд ва деҳқонларни ўз сафларига бирлаштирган “Ёш хиваликлар” ҳаракати ташкилот сифатида шу тариқа юзага келди.

Феодал тартиблар ва рус чоризмининг мустамлакачилик сиёсати ўлкада турғунликнинг асосий сабаби эди. Шу турғунликнинг ўлка тараққиётига асосий ғов эканлигини илғор кайфиятдаги ёшлар англаб етдилар.

<sup>1</sup> Утаев Ў. Отаёр. Дунёга тенгдош хазина. Тошкент, 1994, 12-бет.

<sup>2</sup> “Совет Ўзбекистони санъати”, 1978, 10-сон.

Беҳбудий, А.Авлоний, А.Фитрат, Мунавварқори ва Бобоохун Салимов, С.Айний каби қатор тараққийпарвар маърифатчилар ўзбек халқини озодликка чиқариш йўлида бетиним хизмат қилдилар ва озодлик, эрк йўлини маънавият, маърифатда деб билдилар. 1913 йилда Мунавварқори, Убайдуллоҳўжа Асадуллоҳўжаев, А.Авлоний, Тулаган Ҳўжамедов, Муҳаммад Пошшоҳўжаев, Тошпўлат Норбўтабеков, Низомиддин Ҳўжаевлар “Турон” жамиятини туздилар. Унинг Низомида таъкидланишича: “Халқ орасида саҳна ишига ҳамда хайрияга жиддий муҳаббат уйғотиш, халқ учун спектакл кўйиб, соғлом томоша кўрсатиш, Туркистон ҳудудида яшовчи муҳтож мусулмонларга моддий ёрдам бериб, маънавий ва моддий жиҳатини яхшилаш”. Ўзбекистонда биринчи ўзбек миллий театри 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Қолқазей биносидида очилди ва унда жадидларнинг сардорлари Мунавварқори, Убайдуллоҳўжа Асадуллоҳўжаев, Низомиддин Ҳўжаев, театр режиссери Зокир Валиевлар раҳбарлигида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падарқуш” асари кўрсатилди<sup>1</sup>.

Жадидлар ўзбек халқини озодликка чиқаришда мусиқа, кўшиқчилик санъатига катта эътибор бердилар. Хусусан, Фитрат ўзининг машҳур “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асарида Европа мусиқий санъатида инқироз бошланганлигини айтади. Уларнинг, яъни европаликларнинг аввал шарқ мусиқасига нописандлик билан муносабатда бўлганликларини таъкидлаб, энди бизни ўрганмоқдалар, ибрат олмоқдалар, дейди<sup>2</sup>.

Ўзбек миллий мусиқа маданияти тўғрисида гапирганда XX аср бошларида янги ташкил этилган ҳаваскорлик труппаларининг дастлабки фаолиятида янги жанрлар қидириш жараёни қай тарзда юз берганлигини ўрганиш жуда муҳимдир.

“Садойи Фарғона” газетасининг 1914 йилда чиққан сонидида Ҳамзанинг мақоласида куйидагилар айтилади: “Биз туркистонликларда чойхоналарда, боғларда шеър ўқимоклар, мақомга солиб ашула қилмоқлар бўлса ҳам, эълонлар эпиштириб, билетлар сотиб, собраниеларда, театр саҳналарига чиқиб ашулалар, миллий музикалар ижро қилингани йўқдир. Йўқлиги билмаганликдан эмас эди. Фақат йўл, намуна кўрсатувчи йўқлигидан эди. Йўл ва намуна кўрсатилса биз туркистонликлар ҳар нарсани тезда ўзимизга оладирмиз. Шояд миллий театримизни йўлга солдиқлари каби ғайратлик ёшларимиз миллий музика ва шеърларимизнида йўлга солиб юборурлар умидидамиз”. Ҳамзанинг мазкур фикридан икки хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, Ҳамза ўзимизнинг миллий мусиқамиз ўз анъаналарига эга эканлигини ва у бошқа миллатлар миллий

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошлари). Тошкент, 1994, 194-бет.

<sup>2</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993, 52-бет.

муסיкий маданиятлари орасида ўз ўрнига эга эканлигини қайд этмоқчи бўлса, бошқа томондан биз ўз миллий муסיқамизни ривожлантиришда бошқа халқлар қўшиқчилик санъати намуналаридан ҳам фойдаланишимиз зарур эканлигини таъкидлайди.

Ҳамза янги ашула, куйлар яратишда икки ижод чашмасидан баҳраманд бўлади. У халқ ичига кириб, халқ фольклорини, халқнинг муסיқа хазинасини кидирар, ўзбек мумтоз муסיқаларини зеҳн билан қулоқ солиб ўрганарди. Ҳамза яшаган даврда Қўқонда атоқли муסיқачилар, бастакорлар тўпланганди. Ҳамзага муסיкий тарбия берган устоз ўша пайтларда Фарғона муסיқачиларининг отахони ҳисобланган машҳур Юсуфхон чангчи Носиров бўлди.

Янги ўзбек муסיқаларини яратишда Ҳамзанинг ўрни алоҳида бўлди. Бундай фаолиятни амалга ошириш ниятида дастлаб у 1915 йилдан бошлаб “гуллар” деб номланган 7 та ашулалар тўпламини тузиб, нашр этди ва уни халқ ўртасида кенг тарқатди. Бу тўпламга кирган ашулаларнинг шеърлари ўша замонларда баёзларга киритиладиган шеърлардан ўзининг ғояси, тилининг соддалиги, янги шакллари билан бутунлай фарқ қиларди. Ҳамза “гуллар”га киритган ашулаларда илгари халқ ўртасида айтилиб юрган афсонавий ёки халқни ғафлатга етказиладиган ашулаларнинг шеърларини замон вазифаларидан келиб чиққан шеърлари билан алмаштирарди ва уларни нота билмаган халққа ўргатиш осон бўлсин учун ҳар бир янги шеър бошига халққа таниш бўлган ашулалардан кичик-кичик эпиг раф-намуналар беради<sup>1</sup>.

Рус мустамлакачилиги даврида миллий чолғуларда ҳам маълум силжишлар рўй берди, улар такомиллашди. Аввало қайд этиш лозимки, рус мутахассисларининг ўзлари ўзбекларнинг муסיқа маданиятига, уларнинг муסיкий қалбига қойил қолишган. Масалан, Туркистон ўлкасининг таниқли тадқиқотчиси В.Массальский муסיқа чолғулари (датор ва қобиз)ни деярли барча хонадонда учратиш мумкин эди, дейди. Бу нарса шундан далолат берадики, халқ турмушида оилавий муסיқачилик кенг тарқалган бўлиб, чалишга эса эшитиш қобилиятига асосланиб ўргатишган.

Мазкур даврда ўзбек миллий чолғу ижрочилиги соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди: янгидан-янги шакллар вужудга келди. Миллий ижрочилик анъаналари асосида янги, нисбатан мураккаб ва мукамал, халқ ҳаётининг турли томонларини ёритувчи куй ва қўшиқлар яратила бошланди. Таниқли даторчи, танбурчи, доирачи, найчи, сурнайчи, буломончи, ғижжакчи, қашқар ва афғон рубобчилари пайдо бўлди. Миллий чолғулар муסיқа ихлосмандлари орасида кенг ёйилди, улар

<sup>1</sup> Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. XVIII асрдан XX аср аввалигача. Тошкент, 1968, 352-бет.

“Наврўз” байрамларида ва шу сингари сайиллар ва тамошаларда, ҳосил байрамларида фаол иштирок этдилар.

Бу даврда мақом санъатини янада ривожлантириш, тақомилига етказиш бўйича жиддий ишлар давом этди. Мақомлар ижросида хонандалар билан бир қаторда таркиби турлича бўлган ўзбек миллий чолғу ансамбллари ҳам иштирок этди. Чолғу ансамблига Бухорода танбур ва доира, Хоразмда эса датор, ғижжак, буламон, доира ва танбур, гармон, рубоб, доиралар кирган<sup>1</sup>. Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги мавжуд ансамбллар одатда ўнтагача ижрочидан иборат бўлган. Бундан ташқари, уч-тўрт кишидан иборат кичик гуруҳлар ҳам фаолият кўрсатарди. XIX асрнинг охирлари, XX асрнинг бошларида ансамблларнинг асосий турлари шаклланган, улар таркибига янги чолғулар киритилган, чолғуларнинг тембр имкониятларини кенгайтиришга, репертуарни фольклор асосида яратилган куйлар ҳисобига бойитишга уринишлар бўлган. Ижрочиликни такомиллаштириш мақсадида Бухоро, Хоразм, Қўқон шаҳарларида устозларнинг мактаблари сақланиб қолинди. Ширкатларда устоз-шогирдлик анъанаси ҳукм сурди. Ҳар бир устоз чолғунини чалишни ўргатиш учун иқтидорли ўқувчиларни шогирдликка олиш ҳуқуқига эга эди, вақти-вақти билан улар синовдан ўтказилиб турарди. Ижобий баҳо олган шогирдлар ширкатнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айланиб, мустақил ижрочилик ҳуқуқини олганлар<sup>2</sup>.

Умуман ўрганилаётган даврда ўзбек миллий қўшиқчилик-муסיкий санъати рус мустамлакачилигига қарамасдан ривож топди. Ўзбек миллий қўшиқчилиги асосан тўрт йўналишда - Хоразм йўли, Бухоро-Самарқанд йўли, Тошкент-Фарғона йўли, Сурхондарё-Қашқадарё йўли асосида ривожланди. Буларнинг бариси агар у ёки бу миллий муסיкий-қўшиқчилик санъати ўзининг анъанавий заминига эга бўлса, у ҳар қандай тажовузларга қарамасдан ривожланиши, ўзлигини сақлаб қолиш имконига эга эканлигидан далолат беради.

<sup>1</sup> Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Тошкент, 1995, 25-бет.

<sup>2</sup> Вязго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. М., 1980, 159-6.

## ШҲРОЛАР МУСТАБИД ТУЗУМИ ДАВРИДА

### ЎЗБЕК ҚҲШИҚЧИЛИК САНЪАТИ

Октябр тўнтариши Туркистонда жуда зиддиятли ҳолатларни юзага келтирди. Азалий-анъанавий ривожланиш, миллий ўзлик шиддат билан бузила бошланди. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жабҳаларида коммунистик мафкура ўзининг якка ҳокимлигини ўрната бошлади.

Мазкур даврда Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида айрим ижобий силжишлар мавжуд бўлган бўлса-да, аслида бу босқич ўзбек халқининг тарихий тақдирида машғум рол ўйнади. 20-йилларнинг иккинчи ярмидаёқ маъмурий-бўйрукбозлик тузуми таркиб топа бошлади, у ижтимоий-маданий соҳаларда ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Эълон қилинган ғоялар билан ҳақиқий воқелик ўртасида рўй-рост зиддиятлар пайдо бўлди. Булар миллий-маънавий ҳаётнинг асл моҳиятини нотўғри тушуниш, уни руслаштириш ва кўп асрлик маънавий қадриятлардан воз кечиш билан ифодаланди, бу нарса кейинроқ қатағонлик ҳатти-ҳаракатларининг таъсири остида янада кучайди.

Ўзбекистоннинг октябр тўнтаришидан кейинги даври жуда таҳликали бўлди, рус мустамлакачилиги бу даврда “янги” шакллар билан “бойиб” борди. Мустамлакачиликнинг шакли ўзгарган бўлсада, унинг моҳияти ўзгармасдан қолди.

Маълумки, шўролар тизими маъмурий-бўйрукбозликка асосланди, унинг маъзи-моҳиятини эса коммунистик-болшевик мафкура ташкил этди. Бундай мафкура ҳар қандай ҳурфикрлик, айниқса миллийликка қарши эди. Шунинг учун ҳам, 1917 йилдан бошлаб асосий эътибор ўзбек халқи маънавий ҳаётидаги миллийликни йўқ қилиш ҳукмрон доираларнинг асосий мақсадига айланди.

Энг аввало шўролар ўзбек халқи маънавий ҳаёти, хусусан қўшиқчилик санъатининг қолоқ, реакцион эканлиги тўғрисидаги ақидаларни тўқий бошладилар. Шу аснода, ўтмиш миллий маданиятини рус мустамлакачилиги давридагидан ҳам кўпроқ ҳақоратлаб, камсита бошладилар. Бундай мақсадга эришишнинг йўли сифатида эса турли воситалардан фойдаландилар. Ким миллий маданиятга нисбатан ижобий муносабатда бўлса, уларнинг барисига “миллатчи” деган тамға қўйила бошланди.

Бундан ташқари, 20-йилларда шакланган “Пролеткулт”чилар фаолияти айниқса даҳшатли бўлди. Улар октябр тўнтаришидан илгари пайдо бўлган барча маданий қадриятларни инкор эта бошладилар.

Натижада миллий қўшиқчилик маданиятимизда икки ёқламалик пайдо бўлди. Бир томондан янги яратилаётган қўшиқлар, мусиқа, куйлар асосан сиёсий савиясига қараб баҳоланди. Агар бундай асарлар шўролар тузумини қўқларга чиқариб мақтаса, ҳамду-санолар айтса, уларнинг баҳоси юқори бўлди. Бошқача сўз билан айтганда, сиёсий қўшиқларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилад бошланди.

Айни вақтда миллий ашулалар қийинчиликларга, таҳқирлаш, камситишларга қарамасдан ривож топди. Халқнинг қалби ва кўнглидаги қўшиқларни ҳар қандай сиёсий тазйиқлар билан чиқариб ташлаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги ҳақиқат ўз исботини топди.

Ижтимоий қўшиқларнинг шаклланишида клуб муассасаларининг ўрни ва роли катта бўлди. Клублардан кўзланган асосий мақсад жамиятни сиёсийлаштириш, пировард натижада маънавий ҳаётни, хусусан қўшиқчилик санъатини сиёсий қолипга солишдан иборат бўлди. Шу аснода 1918 йил 7 май куни Тошкентда биринчи ишчилар клуби ташкил топди. Клубларда амалга оширилган оммавий ишларнинг мазмуни клубларнинг ташвиқот-тарғибот борасидаги фаолиятида, ижтимоий қўшиқлар яратишда, оммавий тартибдаги байрамларни ўтказишда ўз аксини топди. Шунинг учун ҳам, клуб Низомида қайд этилганидек, унинг асосий вазифаси меҳнаткашларга сиёсий билимлар беришдан иборат бўлди.

Бу мақсадни Туркистон, Ўзбекистон қишлоқ жойларида маданий-маърифий ишларни қизил аравалар, қизил карвонлар ва кўчма ўтовлар амалга оширдилар.

20-йиллар тарғибот-ташвиқот ишларида озиқ-овқат отрядларидан жуда ўринли фойдаланилган. Масалан, Сирдарё вилоятида озиқ-овқат отрядлари ишчи-деҳқон республикасидаги иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилишгагина эмас, балки қишлоқнинг маданий ва сиёсий савиясини оширишга ҳам даъват этилган. Мазкур отрядларнинг ташаббуси билан 1920 йилда Сирдарё вилоятида 239 марта, Самарқанд вилоятида 190 марта ва Фарғона вилоятида 200 марта турли тадбирлар ўтказилди. Одатда бундай тадбирлар халқаро аҳвол ва мамлакатдаги вазиятга доир ахборотлар билан бошланарди. Нотиқлар қишлоқ меҳнаткашларини ишчилар синфи билан жипслашишга чақирардилар. Озиқ-овқат отрядларидаги фаоллар кечкурунлари деҳқонлар учун маърузалар уюштирдилар. Шунингдек, шўролар мустабид ҳокимиятининг қарорлари тушунтирилди. Сирдарё вилоятининг озиқ-овқат отрядлари деҳқонлар учун 12 та қироатхона очдилар, 4 та спектакл ва концертлар ташкил этдилар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Нурмухамедова М. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар. Тошкент, 1993, 10-бет.

Бундай тадбирларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад кишиларда мустабид шўро тизимига меҳр-муҳаббат уйғотишдан, жамият аъзоларида аниқ манқуртлик кўринишларини, ўз миллий заминига нисбатан шубҳа билан қарашни шакллантиришдан иборат эди.

Шу каби чеклашларга қарамасдан, ўзбек миллий кўшиқчилик санъати ўзининг анъанавий ривожланиш йўлидан қайтмади. Дастлабки миллий бадий ҳаваскорлик тўғарақлари мактаб, техникум ва бошқа олий ўқув юртларида ташкил топган бўлиб, улар ашула ва рақс жамоаси кўринишида эди. Бу тўғарақларнинг раҳбарлари маҳаллий халқ созандалари ёки бадий ҳаваскорликнинг фаол ва истеъдодли қатнашчилари бўлган. Халқ созандаларининг фаолияти асосан уч йўналиш - ижрочилик, педагоглик ва фольклоршунослик бўйича борган.

Масалан, машҳур ҳофиз Шораҳим Шоумаров 1919 йилда Тошкентда “Намуна” мактаби ҳузурида мусиқа тўғараги ташкил этган. Ушбу ҳаваскорлик жамоаси ўз кучи билан 1922 йилда Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони асосида шу номдаги мусикали драмани кўйган эди.

Умуман, октябр тўнтаришидан сўнг миллий байрамлар, уларда айтиладиган кўшиқлар барҳам топа бошлади. Рамазон ойи ва ҳайитларни байрам қилишга чек қўя бошланди. Уларнинг ўрнига эса сиёсий тусдаги байрамлар устивор характер касб эта бошлади. Турли тўғарақлар, бадий жамоаларга раҳбарлик қилган маҳаллий миллат вакиллари миллий кўшиқчиликни сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Масалан, Самарқандда турли-туман тўғарақлар ташкил қилиниб, уларга Бухоро, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қўқон ва бошқа жойлардан келган моҳир созанда ва хонандалар Ота Жалол Носиров, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдурахмон Умаров, Левича ҳофиз, Абдуқодир Исмоилов, Матюсуф Харратов, Аҳмадjon Умурзоқов сингари бир қатор санъаткорлар бошчилик қилдилар.

Юқорида номлари зикр этилган устозларнинг шогирдлари ҳам мусиқа санъатини ривожлантиришда фаол иштирок этдилар. Дуторчи Қори Сирож Юсупов, Ҳожи Раҳмонберди, Хушқомил, Усто Муқум, Эшон Раҳматхўжа, Муҳиддин Мавлонов, Бобо Шароф, Қодир Авлиё, Ғулом Қодир ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу санъаткорлар шаҳарнинг гавжум жойларида, чойхоналарда ўз санъатларини намойиш қилдилар. Бухоролик ҳофизлар Ота Жалол, Домла Ҳалим Ибодов ва Ҳожи Абдурахмон Умаровлар Растайи навда, Ҳавзи Баланд кўчасидаги чойхонада, Ҳожи Абдулазиз, Қори Сирож Юсупов, Толибjon Содиков, Қобилjon қози Абдурасул маҳалласидаги чойхонада ижрочилик қилишарди.

Левича ҳофиз октябр тўнтаришидан сал олдин Бухородан Самарқандга кочиб келган эди. Бухорога Ригадан 1909-1911 йилларда хонанда ва созандалар овозини грампластинкага ёзиш учун “Пишуший Амур” ширкатининг вакили келади. У овозларини ёзиб олмоқчи бўлган баъзи хонандалар рўйхатини амирга кўрсатади. Аммо амир ўзига қарашли шахсий ҳофизлар овозини бошқалар эшитишини хоҳламасди. Буни барча сарой ҳофизлари яхши билишар эди. Ригадан келган вакиллар руслар қарамоғида бўлган Когон шаҳрида бўлганларида Эрон миллатига мансуб бўлган хонандалар Саид найчи, доирачи Ойбек ва яна 5-6 нафар хонандалардан Бухоронинг машҳур эронча кўшиқларидан ҳисобланган мавригиларни ёзиб олишди. Амир эронлик санъаткорларнинг бундай ўзбошимчаликларига қаршилик кўрсатолмасди, чунки унинг ҳукумат раҳбари Қушбеги эрон миллатига мансуб эди.

Айтиш керакки, амирнинг овоз ёзувида қилган қаршиликларига қарамасдан, яҳудий миллатига мансуб Левича амир буйруғига итоат қилмасдан яширинча Когонга бориб овозини ёздиради. Буни эшитган амир қаттиқ ғазабланади. Амир ундан қасос олиш режасини тузганлигини эшитган ҳофиз яширинча Самарқандга қочиб кетади. Октябр тўнтаришидан кейин яна Бухорога бориб “Шарқ мусиқа мактаби”да муаллимлик қилади. Кейинчалик яна қайтиб Самарқандга келади ва 1926 йилда шу ерда вафот этади. Левичадан ригалик вакиллар грампластинкага “Талқини сабо”, “Уфори сабо”, “Сарвиноз”, “Талқини ушшоқ”, “Насри ушшоқ”, “Наврўзи сабо”, “Қашқарчаи сарвиноз”, “Турки қашқарчаи Сарвиноз”, “Талқини Уззол”, “Муғулчаи сегоҳ” каби Бухоро Шашмақоми йўлларини ёзиб олган<sup>1</sup>.

Албатта, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо, ўзбек кўшиқчилик миллий анъанавий санъатини расмий доирага солиш жуда усталик билан давом этди. Айниқса, бу нарса 30-йилларда авж олди. Шўролар мустабид ҳокимиятининг расмий йўлини тан олмаганлар эса, шубҳасиз, қатағонга учрадилар, халқ душманлари сифатида маънавий, жисмоний тарзда йўқ қилиндилар. 1937-1939 йиллар орасида ички ишлар ходимлари томонидан Ўзбекистонда қамоққа олиниб, сўнг отиб ташланган 6920 нафар зиёлиларнинг кўплари ўзбек миллий маданияти, кўшиқчилик санъатининг жонкуяр фидойи ходимлари эди<sup>2</sup>.

Ўзбек кўшиқчилик-мусиқий маданиятининг мафқуралашуви, унга сиёсий тус берилиши иккинчи жаҳон уруши йилларида авж олди. Бу даврда Россиянинг урушга тортилган ҳудудларидан кўчириб келтирилган кўплаб мусикашунослари таъсирида ўзбек мусиқа санъатида айрим янги

<sup>1</sup> Аҳмедов М. Дони Зокиров, -Тошкент, 1995, 20-21 бетлар.

<sup>2</sup> Узоқов Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи. 1900-1940 йиллар. Тошкент, 1996, 47-бет.

жанрлар пайдо бўла бошлади. Бу ҳол ўзининг салбий таъсирини ҳам кўрсатди.

40-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган бундай жараёнлар ўзининг “мевалари”ни 50-йиллар бошидан бера бошлади. Бу даврда ягона совет маданияти ташкил топа борди, “шаклан миллий, мазмунан социалистик, руҳан байналминал маданият”ни таркиб топтириш ҳаракати кучайди.

1951 йил 5 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюросининг мусиқа маданиятини юксалтириш тўғрисида чиқарган қароридан қардош халқлар мусиқа маданияти билан алоқани мустаҳкамлаш зарурлиги, уларни кенг тарғиб қилиш вазифалари белгилаб берилган эди. Барча концерт муассасалари, театрларда бу қарорни бажаришга киришдилар. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театрида қўйилаётган “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Нурхон”, “Лайли ва Мажнун”, “Алпомиш”, “Тошболта ошиқ” спектакллари қаторида биринкетин “Полтавалик Наталка”, “Боядера”, “Чури”, “Сочи оқарган қиз”, “Мовий Дунай”, “Ярим тундаги ўғрилиқ”, “Хотинимнинг эри” каби қатор таржима асарлар пайдо бўлди. Натижада миллийлик ниҳоятда юқори бўлган Муқимий театридаги аҳвол тубдан ўзгара бошлади, одамлар бу таржима асарларини ҳазм қила олмадилар, театр бўшаб қола бошлади.

50-йилларда ушбу театрда маҳаллий санъаткорлар кўпчиликни ташкил қиларди. Аммо кейинчалик театр тақдири ва бадий йўналишлари кўпроқ И.Донатов, В.Чоловчинер, В.Райков, Л.Мейсел, Н.Гинзбург каби режиссёр ва дирижёрлар томонидан белгилана борди<sup>1</sup>.

50-60-70 йилларда ўзбек миллий кўшиқчилик санъатидаги сиёсийлашув жараёни маданий-маърифий ишларнинг муҳим шакли бўлган бадий ҳаваскорлик ижодиётида ҳам тўла аксини топди. Тўғри, ҳаваскорлик ижодиёти жамоалари сон жиҳатдан ортиб борди, уларда янги овозлар, мазмунли асарлар юзага кела бошлади. Масалан, 1953 йили республикада ўз сафларига 26056 нафар қатнашчини бирлаштирган 1179 бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолият кўрсатди. 1970 йилга келиб эса уларнинг сони юқоридагига мутаносиб равишда 34078 ва 2115 тага етди. Агар 1953 йилда ҳар бир бадий ҳаваскорлик жамоасига ўртача 14 нафардан иштирокчи тўғри келган бўлса, 1970 йилга келиб, уларнинг сони 16 нафарга етди.

Бироқ, бу жамоаларнинг дастурлари асосан рус ва бошқа Европа халқлари мусиқа санъати асосига қурилган бўлиб, аксарият ҳолларда сиёсий йўналишда эди. Масалан, 1969 йилда Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> “Тошкент ҳақиқати”, 1990, 21 ноябр.

бадий ҳаваскорлик жамоалари кўрик-танловига тақдим этилган 268 концертнинг деярли барчаси Коммунистик партияга бағишланган эди<sup>1</sup>.

Юқоридаги мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, шўролар мустабид тизими даврида кўшиқчилик санъати ҳаддан ортиқ даражада сиёсийлаштирилди, у кенг халқ оммасидан узоқлаша борди.

70-йилларда номусиқавий йўналишдаги олий ўқув юртларида талабаларни ижтимоий кўшиқнинг муайян мисолларида мусиқа асослари билан таништириш мақсадида 80 соатлик факултатив курс ишлаб чиқилган.

Мазкур дастур биринчи навбатда, талабаларни мусиқанинг айрим ифодали воситалари билан қуроллантиришни назарда тутди. Бунда хусусан, куй, темп, ритм, оҳанг ва бошқа масалалар бўйича тушунчаларни билиш кўзда тутилган. Дастур шунингдек, талабаларни гармониянинг айрим масалалари, масалан: аккордлар, консонанслар ва диссонанслар, модуляция кабилар билан таништиришни ҳам кўзда тутган. Кўшиқда куй ва гармониянинг ўзаро алоқасига алоҳида эътибор берилади. Кўшиқни мусиқанинг жанрларидан бири эканига талабалар эътиборини жалб этиш билан бир қаторда мусиқанинг шакли, жанрлари ҳақида ҳам маълумот беришни ҳам лозим топдик.

Юқорида қайд этилган мусиқий-таълимий маълумотлардан ташқари дастурда мусиқий дунёқараш ва мусиқий-эстетик тайёргарликни кенгайтиришга мўлжалланган айрим масалаларни ўрганиш ҳам назарда тутилган. Мазкур дастурда бу борада талабаларнинг умумий мусиқий маданиятини ошириш масалалари кўрилган, сиёсий кўшиқ жанрига алоҳида эътибор берилган.

Олиб бораётган тадқиқотимиздан кўзланаётган асосий мақсад кўшиқнинг тарбиявий аҳамиятини ўрганиш эканлигини назарга олиб, дастурда мазкур жанрни, шу жумладан, баллада жанри, шунингдек, эстрада кўшиғи жанрини ўрганиш ҳам назарда тутилади. Уларнинг мазмуни ахлоқий ва эстетик тарбия билан боғлиқдир.

Мазкур факултатив курс уч йил мобайнида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти ва физика-математика факултетларида, Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факултетларида ўқитилди.

Дастурнинг ҳар бир бўлими босқичма-босқич талабаларнинг мусиқа ҳақидаги билимларини тўлдириб борди. Масалан, талабалар “Ифоданинг мусиқий ноталари” бўлими билан танишганда, мусиқада куй мусиқий товушларнинг яқка овоздаги изчиллиги етакчи ўринни эгаллашини билиб олдилар. Куй муайян фикр ва ҳис-туйғулар билан йўғрилган бўлади, куй

<sup>1</sup> Эргашева Ю. Культура Узбекистана: тенденции и проблемы развития. Ташкент, 1997, 172-бет.

маълум кайфиятни ифодалайди. У ҳамиша бадий образ омилдир. Куй ҳақидаги тасаввур доимо куйлаш билан боғлиқдир, негаки товушлар авжининг алмашинуви, яъни майин ва кескин кўтарилиши ҳамда пастга тушишлар - биринчи навбатда инсоннинг нутқий ва вокал овози интонациялари билан боғлиқдир. Бир қатор мазмунли товушларни эшитганда беихтиёр уни ифода этишга интилишимиз бежиз эмас.

Куйнинг табиий оҳанглари унинг мусиқий аждоди, келиб чиқиши куйлашдан эканлигидан далодат беради. Куйнинг ўзи алоҳида мураккаб ходисадир: унда темп, ўлчов, ритм, оҳанглarning мослашуви ўзаро чамбарчас боғланган. Мусиқанинг темпи мусиқанинг муваққат табиати билан боғлиқдир. Тўла сокинлик ва хотиржамлик, тўла ҳаракатсизлик ёки юксак туйғуларни ифодалаган мусиқа одатда секин темпда ёзилади. Нисбатан жонлироқ, яъни ўртача темп бетараф ҳисобланади ва уни турли кайфиятларни ифодалайдиган мусиқаларда учратиш мумкин. Узлуксиз олдинга интилувчи ҳаракатни ифода этиш учун кўпинча тезкор, шиддатли темп қўлланилади. Бундай шиддатли мусиқа ҳаётсеварлик туйғуларини, жўшқинликни, байрам кайфиятини ифодалаши мумкин. Бундай мусиқа ғалаённи, ҳаяжонни, драматизмни ҳам ифодалаши мумкин.

Мусиқанинг уюшувчанлиги оҳанглarning муайян алмашинуви, куйларнинг муайян баланд-пастлиги ва улар билан алоқадор бошқа ҳолларга боғлиқ. Бу - мусиқанинг ўлчовини, яъни унинг “метр”ни ташкил этади. Урғу тушаётган товуш, яъни мусиқанинг урғули бўлаги билан ундан кейин келаётган урғусиз бўлаги биргаликда мусиқанинг тактини ташкил этади. Мусиқа асарининг темпи тактлар сонининг вақт бирлигига нисбати билан ўлчанади.

Куйнинг мўъжаз, аммо нисбатан мустақил бўлакчалари, яъни бир қаттиқ товуш атрофида бир неча паст товушларнинг йиғиндиси оҳанг деб юритилади. Икки-учтаси бир бўлиб, оҳанглар ифодасини (жумлаларни) ташкил этади.

Мусиқий товушларнинг муайян тартиби ҳамоҳанглик дейилади. Ҳар қандай куй ҳам бошланишида тингловчини давомини эшитишга мажбур этгандек, мавҳумлик билан боғлангандек бўлади. Тугалланишда эса у албатта қаттиқ, муқим, турғун товуш билан тугалланади.

Куйлар оҳангларга (лад) нисбатан анча кўп эканини эътиборда тутмоқ керак. Одатда бир лад бир неча куйга “хизмат қилади” (бир қатор мусиқий мисоллар чалинади). Лад - товушларнинг муайян тартибидир. Уларда асосий босқич анча мустаҳкам бўлади. Қолганлари эса ё нисбатан мустаҳкам, ёки бутунлай мустаҳкам бўлмагани учун ҳам мустаҳкамларига интилувчан, уларга ўтишга мойил бўлади. Барча товушлар ҳамоҳанглиги ўртасидаги алоқадорлик шу тарика амалга оширилади. Қатор ладлар ичида энг кўп тарқалгалари етти босқичли мажор ҳамда минорлардир. Бироқ биз

мусиқий образ деб атайдиган яхлитликни фақат шуларнинг ўзигина барпо этмайди. Мусиқий товушнинг, умуман мусиқанинг ўзига хос хусусиятларидан бири товуш баландлиги даражасидир. Товушларнинг баланд-паст пардалардаги жойлашуви, уларнинг ўзаро нисбати ва бир-бирига ўтиши, алмашинуви мусиқий асарнинг тараққиётини ташкил этади.

Куйнинг ҳар томони ҳам мусиқанинг умумий ифодавийлигига ўз “ҳисса”сини қўшади. Бунда ҳамма томонлар ва хислатлар тенг даражада муҳимдек кўринади. Айрим томонлари тўлдирувчи ҳисобланса, бошқалари асосий ҳисобланади. Куйнинг тубдан ўзгаришига сабаб бўлувчи жиҳатлар асосий ҳисобланади. Бу мусиқада вақтни уюштириш билан алоқадор ва куйнинг пардавий хислатларини, яъни метроритми ва оҳанг интонацияларини белгиловчи томонлардир. Юқорида келтирилган назарий қоидаларнинг ҳаммаси қўшиқларни ижро этиш мисолида кўриб чиқилди.

Бу даврда факултатив тингловчилари қуйидаги топшириқларни бажардилар. Улар октябр тўнтариши ва иккинчи жаҳон уруши даврининг икки-уч қўшиғи куйини ижро этиб, қўшиқ характерини белгиладилар, куйнинг шитобли ёки босиқ оҳангга айтилишини аниқладилар, мажор ёки минор эканлигини, куйларнинг тузилишини белгиладилар, шунингдек даврийлик, бўлинганлик услубида яратилган қўшиқларга мисоллар келтирдилар. Бундай топшириқларни бажаришда талабалар бир қатор мусиқий малакага эга бўлдилар, улардаги мустақил мусиқий фикрлаш даражаси ошди.

Тингловчилар куйнинг турли жиҳатлари параллел равишда бир-бирини тўлдириб ёки бир-бирини инкор этиб келиши мумкинлигини исботловчи мисоллар келтирдилар. Бу ҳол куй турли қирраларининг ўзаро бирлигинигина эмас, улардан ташқаридаги бир неча товушнинг бир вақтда жаранглашидан ҳосил бўладиган кўплаб ва муҳим мусиқий тўқималарнинг ҳам ўзаро бирлигини таъминлайди.

“Гармония” бўлими ўтилганда талабаларга “гармония” тушунчаси ўз ичига келишувчанлик, келишганлик тушунчаларини қамраб олганлиги ўқтирилди. Гармония деганда мусиқада мусиқий тилнинг муҳим томонларидан бир тушунилади. Қадимги Юнонистонда “гармония” мусиқадаги товушларнинг маълум даражадаги мослашувини бир овозли куйларда куйларнинг биридан кейин иккинчиси келиши назарда тутилган. Ҳозирги тушунча бўйича гармония бу - вертикал бўйича товушлар мослиги тизимидаги ҳамоҳанглиқдир. Бу мусиқий ифодавийликнинг ғоят мураккаб соҳасидир. Қўшиқдаги гармония ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун талабалар “Ўша йигит учун” (М.Фрадкин мусикаси, Р.Рождественский сўзи) қўшиғини тингладилар. Тинглаш жараёнида аккордларга алоҳида аҳамият берилди. Бунда эътибор ўз тузилиши ва кўрсатаётган таъсирига кўра аккордлар турлича, айти пайтда улар ўзаро

узвий боғлиқликда эканлигига қаратилди. Уларнинг айримлари қонуний равишда бошқасига ўтиб туради, уларнинг бундай кўчиб юриши улар орасидаги алоқани бузади. Гармоник бирликлар ичида мусиқадаги аккордлар ўзларининг уюшувчанлиги билан ажралиб турадилар. Мажор ва минорли, оҳангларнинг жаранглилик имкони жуда юксакдир. Масалан, “Дубинушка” минорли кўшиғи бошланишидаги мунгли кайфият аста ривожланиб драматик ҳаяжон билан тўлиб боради ва кескин равишда ғазабли исёнга айланади. Факултатив тингловчиларига консонанслар (мос ва уйғун жаранглаб, сокинлик туйғусини берадиган аккордлар) ва диссонанслар (нисбатан кескин жаранглайдиган, товушлар бир-бирига зиддек туюладиган. тугаллаш эҳтиёжини уйғотадиган аккордлар) ҳақида тасаввур берилади. “Жўшқин ёшлик кўшиғи” (А.Пахмутова мусиқаси, Л.Ошанин шеъри), “Гренада” (В.Берков мусиқаси, М.Светлов шеъри) каби кўшиқлар ижроси мисолида талабаларга гармоник вариациялаш ва модуляциялаш ҳақида тушунча берилади. Бу кўшиқда оҳанглиликнинг алмашинуви демакдир. Бундай ҳол талабаларга илгаридан яхши маълум бўлган томонларни янгитдан, янгича фазилатлар, куйнинг янгича хислатларини намоён қилган ҳолда очиб беради.

Ҳозирги миллий кўшиқчиликда (шу жумладан, ижтимоий кўшиқларда ҳам) чўзиқликдан воз кечишга интилиш кузатилмоқда. Кенг, оғир, босиқ тема ўрнини қисқа ва характерли оҳанглар эгалламоқда, тембр ва регистрнинг устуңлиги тобора ҳис қилинмоқда. “Ҳали кеч бўлмай” (А.Пахмутова мусиқаси, Н.Добронравов шеъри) каби кўшиқларни тинглаш асосида бу янгилик талабаларга конкрет кўрсатиб берилади.

“Мусиқа жанрлари” бўлимида факултативда кўриладиган асосий масалалар ёритилади. Жанр мусиқий асар тури бўлиб, унга маълум мазмун беради. Бу мазмун кўшиқдан кўзланган маълум мақсад ва ижро тури билан боғлиқдир.

“Жанр” тушунчаси куйидаги асосий саволларга жавоб беради: 1) қаерда ижро этилади? 2) ким ижро этади (ижрочилар таркиби, сони, овозлар ва чолғу созлар иштироки); 3) ким учун ижро этилади (тингловчилар таркиби, сони, мусиқий тайёргарлиги); 4) нима учун ижро этилади? 5) нима ижро этилади?

Кўшиқ бевосита халқ ижодиёти билан яратилган жанрдир. Кўшиқни мусиқий санъатнинг “бошланғич” жанри дейиш мумкин. Сўз билан бирлаштирилган кўшиқ кишиларнинг меҳнат фаолиятини, ижтимоий ва шахсий ҳаётини ўзига қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг онги, уларнинг хатти-ҳаракати ва бошқаларга жуда кучли таъсир кўрсатади.

Шуро даври композиторларининг лирик кўшиқлари (“Ўша йигит учун”-М.Фрадкин мусиқаси, Р.Рождественский шеъри), ижтимоий

кўшиқлар (“Демократик ёшлар мадҳияси”-А.Новиков мусиқаси, Л.Ошанин шеъри; “Мамлакат фахрланади” В.Соловев-Седой мусиқаси, М.Плянковский шеъри); марш-монанд кўшиқлар (“Москва майда”-Дм.Покрасс мусиқаси, М.Танич шеъри); “Ғалаба куни” (Д.Тухманов мусиқаси, В.Харитонов сўзи); ҳарбий ватанпарварлик кўшиқлари (“Катюша”-М.Блантер мусиқаси, Д.Исаковский шеъри) мисолида юқорида қайд этилган жанрлар ҳақида анча чуқур тасаввур берилади.

Ҳар бир мусиқий асар маълум композицияга, яъни асар бўлақларининг муайян изчиллигига эга бўлади. Кўшиқнинг айрим қисмлари турли мазмундаги вазибаларни бажарадилар. Уларнинг айримлари мазмунан киришни билдирса, баъзи бирлари хотимани билдиради, айримларида асосий фикр билдирилса, бошқаларида шу фикрнинг ривож топишини кўриш мумкин. Кўшиқнинг шакли деганда кўшиқнинг бўлақлари ва қисмлари изчиллигини тушуниш керак. Улар ўхшаш ёки турлича бўлиши мумкин. Оддий мисолларда талабалар бир қисмдан иборат оддий, икки қисмли ва бошқа мусиқий шакллари билан таништирилиб борилади. Одатда кўшиқлар икки қисмли оддий (бандли) шаклда ёки бир қисмли (нақоротсиз) шаклда ёзилади. Талабалар кўшиқнинг икки қисмли оддий шакли билан “Демократик ёшлар мадҳияси” кўшиғи мисолида танишдилар. Кўшиқнинг бу шакли учун образларнинг конкретлиги, бир-бирига қарама-қаршилиги жуда хосдир. Ўз мустақиллигига кўра иккала қисм ҳам кенг ривожлантирилишни талаб этади. Маълумки, кўшиқнинг банди мардона, босиқ киришдан ва ғайратли, жўшқин нақоротдан иборат. Кўшиқ асоси кенг, мақсадли яхлитликни кашф этган. Нақорот эса икки босқичли, хотималидир. Умуман олганда эса бу икки кўшиқ оддий икки қисмли шаклда ёзилган.

Талабалар мустақил равишда “Ғалаба куни” (Д.Тухманов мусиқаси, В.Харитонов шеъри) кўшиғини таҳлил этишди. Улар кўшиқда нечта мустақил образ борлигини ва асарнинг шунга мос ёки мос эмаслигини, кўшиқда реприза бор ёки йўқлигини, у биринчи қисмни айнан такрорлаётгани ёки ўзгаришлар бор-йўқлиги ҳақида гапирдилар, кўшиқнинг ҳар бир бўлимига тасниф бердилар, кириш ва хотимани, кўшиқнинг умумий шаклини таърифладилар. Кўшиқ кишиларни тинчликка даъват этади, улар қалбида урушга ғазаб, ватанга меҳр ва муҳаббат уйғотади.

“Халқ мусиқасида яралган кўшиқлар” бўлимида талабалар кўшиқларнинг кенг тарқалган шакллари билан бири куплетнинг бандли шакли эканини билиб олдилар. Кўшиқнинг бу шакли бевосита такрорийлик оқибатида яралганга ўхшайди. Такрорланаётган мусиқа сўзлари билан биргаликда бандлар деб аталади. Кўшиқ ва нақоротдан иборат бундай бандлар яқка хонанда ижросидаги кўшиқлар

(А.Новиковнинг “Россия”, Т.Хренниковнинг “Москва ҳақидаги кўшиқ”)да ва хор ижросидаги кўшиқлар (В.Бонч-Бруевичнинг “Варшавянка”, А.Александровнинг “Муқаддас уруш”)да ҳам учрайди.

Нақорот кўпгина кўшиқларда мусикий ва шеърий нуктаи назардан караганда янги фикрни беради. Одатда нақоротда кўшиқнинг асосий ғояси мухтасар шаклда берилади. Кўшиқда нақорот матни албатта такрорланади, гўё шу сўзларнинг аҳамияти бутун кўшиқ учун ғоят катталиги таъкидланиб турилади. Айни пайтда ҳар банддан кейин қайтариладиган нақорот ҳар гал янги мазмун кашф этаётгандек бўлади.

Кўшиқ нақоротининг мусикий тузилиши умумий кўшиқ тузилиши, оҳанглар интонацияси, кўйдаги жимжималар, ритмик шакллар, ички тузилиш ва хоказолар билан бевосита боғлиқ бўлади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Халқчиллиги, тез ўзлашиши, такрорийликнинг эса тез эслаб қолишга ёрдам бериши бу турдаги кўшиқларнинг ютуғидир. Ана шулардан сўнг ўқитувчи талабаларга бундай кўшиқлар фақат мамлакатимиздагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам яратилиши ҳақида сўзлаб беради. 20-йилларда АҚШ ва Англияда яратилган норозилик исён руҳидаги кўшиқлар негр халқи мусиқа жанри - блюзга тегишли янги оҳанглар билан бойитилди. Блюзлар (шикоят кўшиқлари), капиталистик жамиятдаги оғир шароитлар устидан лирик шаклда ифода этилган норозилик ҳисобланади. Американинг жуда кўп ноҳияларида 20-йилларда “Ишсизларнинг блюзи”, “Оғир дамлар блюзи”, “Қашшоқлар блюзи”, “Бесси Смит” каби талай шикоят кўшиқлари янгради. 1929-1933 йилларда “Ж.Горни кўшиғи” (бизда уни Л.Утесов ижро этганди), “Америкалик ишсизлар кўшиғи” каби кўшиқлар ғоят оммалашиб кетди. Кейинроқ Америкада “нафрат ғужуми” (Види Гатри), “Гар болғам бўлганда эди” (Пит Сигер), «Дарё куйиси томон» (Пит Сигер), «Кайзи Жонс ҳақида баллада»(Пит Сигер) ва бошқа кўшиқлар яратилди.

60-70 йилларда норозилик кўшиқлари, айниқса кўп яратилди. Совуқ уруш йиллари америкаликлар учун синовга айланди. Ёш авлоднинг ёлғонга нисбатан қаҳрини, буржуа жамияти сохтакорликларини фош этадиган ўз кўшиғи, ўз мусиқаси жуда зарур эди. Рок-н-ролл айнан шундай мусиқа вазифасини ўтади. Бу мусиқада ёшларнинг катта авлодга нисбатан исёни акс этди. Рок-н-роллнинг аксарият ижрочилари, масалан, Томми Стил синфий онглилик элементларини намоен этардилар.

“Битлз”лар рокка халқ мусиқасини олиб кирдилар. Улар рок-н-роллни бошқа маданият элементлари билан уйғунлаштириб уни янада юқорироқ профессионал даражага кўтардилар. “Битлз”лар ўз кўшиқлари матнига ғоят жиддий эътибор беришар, атроф-муҳит ҳаётини фалсафий мушоҳада этишга интилишарди. Уларнинг “Ҳаётнинг бир куни”, “Мадонна хоним” каби кўшиқлари ғам-ташвиш ва умидларга тўла буржуа

оламини ошкор этади, тингловчилар диққатини ҳақсизлик ва қашшоқликка қаратади. “Битлз”лар “Ҳокимият халққа”, “Оламга яна бир имкон берайлик” каби 70-йиллар демократик ёшларининг мадҳига айланган кўшиқларни яратдилар.

Ҳар ерда нозирлар ҳақда гап кетар. . .  
Фикрлар, ваъдалар, таъқиқ, ижозат  
Жазолар, табриқлар. . .  
. . . Оламга яна бир имкон берайлик!

Норозилик кўшиқлари Раймон Пелехоро, Поко Ибанесс, Элиса Серна, Хоан Мауэл Серрат, Сас селе, Виктор Хара ва бошқаларнинг кўшиқларида яна ҳам ривожлантирилди.

Ҳозирги замон инглиз кўшиқ ижрочилари ичида Филипс Литч Донован алоҳида ўрин эгаллайди. У ҳаёт мазмунига жуда эрта етди: Англияда, ҳамма ерда қашшоқлик бир хил, буржуа қонунларига сиғинишнинг ўзи эса кишига саодат ва муваффақият келтиролмайди. 1965 йилгача хонанда Англияда машҳур бўлиб кетди. Унинг дастлабки пластинкаларидан бири “Эсавер, шамол” деб аталади.

Шамолни тугаман дема . . .  
Инсонлардан қуллар ясама  
Улар ҳам эркил ҳаёт  
Нашидасин суришчун,  
Келгандирлар дунёга

Буржуа матбуоти Донованга қарши юриш бошлади. Шуларга ҳам қарамай 1965 йилнинг охирида Донован энг ярқироқ юлдуз бўлиб қолди. Оддий солдатнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинадиган “Бутунжаҳон солдати” композицияси Донован репертуаридаги жиддий асарлардан бири бўлиб қолди. “Бутунжаҳон солдати” подшо учун ҳам, демократия учун ҳам, худо учун ҳам, давлат учун ҳам жанг қилади. Қилич ва ўқлар билан у жанг қилади, айни пайтда ўзи бу дунё телбалари отаётган тўқмоқлар келиб тушаётган қалқонга айланади. У ўз қурол-яроғини ташлаб, совутини ечмагунча унинг ўзига ўхшаганлар ҳалок бўла берадилар. Бу ҳол тоқайгача давом этиши мумкин ?

Мащғулотлар давомида талабалар ҳозирги замон норозилик кўшиқлари муаллифлари ичида таниқли шоир, бастакор ва ижрочи бўлиб танилган Боб Дилан алоҳида ўрин тутишини билиб оладилар. У мўъжазгина шахтерлар посёлкасида катта бўлади. Ўн ёшидаёқ гитарада чалишни биларди. 1963 йили “Шамолга монанд жавоб” пластинкасини



ёзгандан сўнг жуда машҳур бўлиб кетди. Қўшиқнинг ажойиб куйи шоирнинг инсоният тақдири ҳақида қайғуришини изҳор этган ифодали сўзларга ғоят мос тушган:

“Сўнги ўқнинг тинуви қачон?  
Яна қанча қутмоқлик даркор? . . .  
Хайқириқ қалбларга етиши учун,  
Қанча дуо куйламоқ даркор? . . .  
Пок ва ҳақ бўлурмиз қачон,  
Аламу ситамлар унутиларми?  
Жавобин бергайдир фақат шамоллар,  
Жавоб айлар бетиним еллар.

Диланнинг “Уруш усталари” ва “Улар ўйинида фақат пиёдалар” қўшиқларининг номларининг ўзи улар мазмуни, ғоясидан далолатдир. Шунинг учун ҳам бу қўшиқлар ёшларнинг сеvimли қўшиғига айланди.

Мартин Лютер Кингнинг дўсти, Виетнамдаги қирғинга қарши оташин курашчи Рей Чарлз ҳам машҳур қўшиқларнинг ижодкори ва ижрочисидир. У 1932 йили Олбени шаҳрида (Жоржия штати) туғилди. Унинг ижросидаги асарлар мушоҳадасининг чуқурлиги, талқинининг ғайри оддийлиги, жўшқинлиги ва ҳис-ҳаяжонининг кучлилиги билан ажралиб туради. “Ҳамма жойда” деб аталувчи қўшиқ ана шу тоифадагиларнинг биридир.

1983 йилда Тошкент давлат университетиде “Кучимиз бирликда” деб номланган анжуман уюштирилди. Анжуманда Болтиқбўйи республикалари, Кавказорти, Москва, Сибир, Узоқ Шарқдан келган талаба ёшлар ижросида турли мавзудаги қўшиқлар янгради. Университет чолғу ва ашула ансамблининг чиқишлари ҳам йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Бошқа республикалардан келган вакиллар анжумандан кейин Дўстлик хиёбонида дарахт кўчатлари ўтказдилар.

Юқорида олиб борилган тадбирлардан кўриниб турибдики, ўтказилган анжуманлар тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Улар бир томондан талабаларга билим берса, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берса, иккинчи томондан талаба ёшларни эстетик тарбияси учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, факултативдаги ўқиш талабаларга қўшиқ ҳақида, умуман мусиқанинг кўп қирралиги ва унинг мазмуни ҳақида билим олишлари учун яхши имкониятлар яратади. Ушбу билимлар мусиқий тадбирларда қўшиқ жанрини чуқурроқ тушуниб етишга ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси кўрик-танловларда синовдан ўтди.

Ўз фаолиятини талаб даражасида ташкил қилган олий ўқув юртларида талабаларнинг ижодий уюшмалари билан ишлаш самараси ҳам юқори бўлишинининг гувоҳи бўлдик. Биз базавий деб танлаб олган олий ўқув юртларида (Тошкент давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент тиббиёт институти) ана шу ишларни олиб бориш ва ўтказиш мазмуни ҳамда методларини ишлаб чиқишда, биз авваламбор, талабалар билан дарсдан ташқари вақтда олиб бориладиган ишларнинг асосий йўналиши ва вазифаларига таяндик. Уларга куйидагилар киради:

- талаба шахсини ҳар томонлама камол топтириш, улар маънавий маданияти, бадиий ва эстетик саводхонлигини ошириш, мумтоз ва замонавий санъатнинг энг яхши асарлари билан таништириш;

- клублар ва ҳаваскорлик жамоа ҳамда уюшмаларини ташкил этиш йўли билан талабалар бўш вақтидан унумли фойдаланишни ташкил қилиш;

- турли мавзулардаги суҳбатлар, оммавий тадбирларни уюштириш; Республикадаги ўқув юртларида дўстлик клубларининг илғор тажрибасини ўрганиш натижасида уларнинг ташкил этилиш босқичлари ва иш фаолияти билан танишишга муяссар бўлдик.

Дўстлик клублари турли факултет талабаларининг ихтиёрий уюшмасидир. Унинг мақсад ва вазифалари талабаларни ватанпарварлик бурчларини тушуниб етиш, бошқа мамлакатлар ёшлари билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдан иборат.

Клубларнинг асосий бўлимлари олиб борадиган ишларнинг мазмуни куйидагича:

Хатлар бўлинмаси. Бу бўлим чет эллик ёшлар билан дўстлик алоқаларини боғлашга ёрдам беради. Ёзишмалар орқали талабалар чет элларда яратилган янги қўшиқлардан хабар топадилар, қўшиқ матни ва ноталари билан танишишга муяссар бўладилар. Ўз навбатида республикамиз ёшлари ижро этаётган замонавий қўшиқлар билан чет эллик талабаларни таништирадилар. Бу қўшиқларда ҳукуматимизнинг барча халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, тинч-тотув яшаш учун олиб бораётган ишлари тараннум этилади. Улар орасида ўзбек шоир ва бастакорларининг қўшиқлари ҳам бор. Клубга келган ҳар бир янги хат, унинг аъзолари учун байрамдир. Масалан, клуб аъзоларидан бири Венгриядан мактуб олди ва ўша заҳоти мактуб билан дўстларини таништирди. Мактубда юборилган янги қўшиқ клуб аъзолари томонидан ўрганилди ва уни ижро этдилар. Бу - янги дўстлик алоқалари ўрнатилганлигидан нишондир.

Олинган мактублар асосан чет тилида бўлишига қарамасдан уларни таржима қилишда талабалар қийналмайдилар. Чет мамлакатларга

жўнатиладиган мактуб ва кўшиқлар матни эса ўша халқ тилига таржима қилинади. Бундан ташқари чет мамлакатлар тилларида ижро этиладиган кўшиқлар танлови ҳам ўтказиб турилади.

Бадий ҳаваскорлик бўлинмаси вазифасига турли мавзулардаги кечаларни ташкил қилиш киради. Бу бўлинма аъзолари талабаларни дўстлик, бошқа халқларга нисбатан ҳурмат, санъатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда ёрдам берадилар. Ҳаваскорлик тўғараги қатнашчилари қардош халқлар ва хориж миллий маданияти ва санъатини намойиш этадилар. Уларнинг репертуаридан турли халқлар кўшиқлари жой олган.

Албатта, юқоридаги мисоллар ижтимоий ҳаётда кўшиқларнинг ўзига хос ўрни мавжудлигидан далолат беради. Бироқ бундай кўшиқлар ҳеч қачон у ёки бу халқнинг миллий маданиятини камситиш эвазига бўлмаслиги керак. Ўзбек кўшиқчилиги тарихида XX асрнинг 70-80 йилларидаги каби сиёсийлашув бўлмаган. Буларнинг бари ижтимоий буюртма тарзида рўй берди. Шунинг учун ҳам кишилар бундай кўшиқларда на мантқ, на маъно ва на бирор лаззат топадилар. Ўзбекистон истиқлолга эришиши туфайлигина бундай нохуш ҳолатларга барҳам берилди.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш маънавий ислохотларни амалга ошириш билан ҳамоҳангдир. Мустақиллик, истиқлол маънавий жиҳатдан мустаҳкамланмас экан, унинг келажаги йўқдир. Ўзбек халқининг узоқ тарихи бунга гувоҳдир, зеро маънавият, хусусан, кўшиқчилик санъатисиз миллат тарихи, ҳозирги куни ва келажагини тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислои Каримов 1997 йил “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг очилишидаги табрик сўзида шундай деган эди: “Шарқ мусиқаси-Шарқ фалсафаси шарқ дунёсининг узвий қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданияти миқёсида туган ўрни бениҳоя буюк. ...Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда. Ўзининг нозик шабадаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий кадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда.”<sup>1</sup>

Бироқ таъкидлаш лозимки, рус мустамаккачилиги ва шўролар мустабид тузуми даврида ўзбек миллий маданияти, хусусан кўшиқчилик санъати анча камситилди, таҳқирланди. Айниқса, кўшиқчилик санъатимизда ноанъанавий йўллар пайдо бўлиб, кўшиқлар сиёсийлаштириб юборилди.

Тўғри, ижтимоий мавзудаги кўшиқлар ҳам зарур. Бироқ улар кишиларнинг, жамият аъзоларининг табиий мусикий эҳтиёжи сифатида юзага келиши зарур. Шўролар даври, хусусан, 70-80-йилларда кўшиқчилик санъатига қўйиладиган асосий мезон тузумни улуғлашдангина иборат бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам жамият аъзолари бундай кўшиқларни қабул қилмай қўйдилар.

Фақат Мустақиллик мусикий-кўшиқчилик маданиятимиздаги нохуш ҳолатларнинг олдини олди, бундай санъат тури ўз анъанавий йўлларида ривож топиши учун имконият яратилди.

<sup>1</sup> Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент, 1998, 366 б.

## Адабиёт

1. Каримов И. Ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Тошкент, 1999
2. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент, 1998
3. Ахмедов М. Дони Зокиров. Тошкент, 1995
4. Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. М., 1980
5. Нурмухамедова М. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар. Тошкент, 1993
6. Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Тошкент, 1966
7. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Тошкент, 1963
8. Раҳмонов Н., Умаралиев А. (Совет) Ўзбекистон(и) маданияти тарихи. Тошкент, 1964
9. "(Совет) Ўзбекистон(и) санъати". 1978
10. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи-Тошкент, 1993.
11. Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 1997
12. Ўзбек мусиқаси тарихи. Тошкент, 1981
13. "Халқ сўзи" 1996, 26 август.
14. Ҳамидов Х. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1996
15. Юлдашева С.Х. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши. Тошкент, Ўқитувчи, 1979

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДАГИ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР.....	9
ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚИЙ-ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ РУС ИСТИЛОЧИЛАРИ ДАВРИДА.....	25
ШҲРОЛАР МУСТАБИД ТУЗУМИ ДАВРИДА ЎЗБЕК ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ.....	36
ХУЛОСА.....	51
АДАБИЁТ.....	52